

**Зиёвиддин МАНСУР**

**ҒАЗНАИ  
НАМОНҒОНИМ**

**Наманган нашриёти – 2020 йил**

УЎК: 821.512.133-1  
КБК : 84 (5Ўзб) 7  
М - 28

*Истеъдодли шоир, моҳир публицист, фаол жамоатчи Зиёвиддин Мансур ўзининг “Қалбим парчалари”, “Ҳайрат салтанати”, Дилраболар диёри”, “Муҳаббат боғи”, “Эзгулик элчиси”, “Ноёб кашфиёт”, “Тўтиё”, “Истиқбол йўли”, “Шом ва тонг”, “Ўзбекистоннинг самовий эътирофлари”, “Қуёш ҳайқириқлари, “Аёлнинг қирқ жони тавсифи” сингари қатор шеърӣ китоблари билан ўз муҳлисларига эга ижокорлардан.*

*Унинг қатор шеърлари таниқли ҳофизлар томонидан севиб куйланади. Кўплаб шеърлари қорақалпоқ, рус, инглиз, немис, урду ва пуштун тилларига таржима қилинган.*

*Ўйлаймизки, юксак бадиий руҳ ва чуқур лиризм билан сугорилган шеърлардан сараланган ушбу китоб ҳам сизни бефарқ қолдирмайди, азиз шеърӣят ихлосмандлари!*

**ISBN – 978-9943-5435-1-5**

© “Наманган” нашриёти 2020 йил

© Зиёвиддин МАНСУРОВ 2020 йил

**“ДУНЁГА БЎЙЛАГАН НАМАНГАН” ТАНЛОВИГА  
ЖАННАТМАКОН НАМАНГАННИНГ ЖЎШҚИН ШЕЪРИЙ  
МАНЗАРАЛАРИ, АФСОНАВИЙ БОҒ ҲАҚИДА БАРАВЖ ФАХРИЯ**

Истеъдодли шоир, публицист, фаол жамоатчи Зиёвиддин Мансур, ҳеч истисносиз, ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг энг етук, кўзга кўринган забардаст намояндаларидан биридир. Унинг йигирмага яқин етук ижод намуналаридан иборат китоблари, ўндан зиёд мағзи тўқ дostonлари, таниқли ҳофизларимиз томонидан маромига етказиб қуйланаётган юзлаб шеърлари ҳамда адабиётимизнинг Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Ҳусниддин Шарипов, Абдуғафур Расулов, Ҳамиджон Ҳомидий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Охунжон Ҳаким, Йўлдош Сулаймон, Тўлан Низом, Ҳабиб Саъдулла, Урфон Отажон, Акмал Саидов сингари етук намояндалари томонидан у ҳақда ёзилган мақолалар ва этилган эътирофлар юқоридаги даъволаримизга етарлича асос бўлади.

Унинг қаламига мансуб “Буюклик ҳақида”, “Яхшиларга ёндошиб”, “Эл ичра назар топдим”, “Онажон, сен айтмасанг алла”, “Онагинам, онажонгинам”, “Жон дадам, жоним дадам”, “Истиклол меъмори”, “Ўзбекистон бу”, “Қуёш ҳайқириқлари” сингари шеър, ғазал, қасида ва дostonлар ҳозирги шеъриятимизнинг истиқбол уфқларини кўрсатувчи асарлар сирасидан эканлиги бизга ва ижод оламига яхши маълум.

Шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирганда, унинг асарлари наинки кундалик турмушимиздаги оддий воқеа-ҳодисалар, балки кенг маънодаги ижтимоий сиёсий жараёнлар ҳақида кенг ва атрофлича тасаввур уйғотиши билан алоҳида аҳамият ва эътиборга молик эканини эътибордан қочирмаслик керак. Худди шунингдек, унинг ижодидаги халқчиллик, айна пайтда умумбашарийлик масалалари, халқ оғзаки ижодидан баҳраворлик томонлар, айниқса, ривоят ва ҳикоятларга бойлик адабиётшунослигимизда ўрганилиши, тадқиқ этилиши, оммалаштирилиши жоиз бўлган жиҳатлардан эканлиги билан диққатга сазовардир. Зиёвиддин Мансурнинг вилоятимиз ижодкорлари орасида дostonчилик ва ривоятнавислик ҳамда жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўз вақтида жавоб бериш, яъни импровизация борасида энг пешқадам шоир эканлиги ҳам алоҳида тадқиқот субъекти бўлишига асос бўлиб хизмат қила олади.

Шуниси қувонарлики, унинг ижоди нафақат вилоят ёки мамлакат миқёсида, балки рус, инглиз, немис, француз, ҳинд, пуштун, қорақалпоқ

сингари ўнлаб тилларга таржима қилингани билан халқаро аҳамиятга моликдир. Шунингдек, унинг “Жон дадам, жоним дадам” номли кўшиғи қарийб эллик йилдан буён худди бугун яратилган янги асар сингари янграб турганлиги, ҳатто АҚШда истиқомат қилаётган ўзбек муҳожирларининг катта анжуманида таниқли ҳофиз Аврам Толмасов томонидан ижро этилган бутун давра аҳли олқишлаган эпизод ижтимоий тармоқларда кенг тарқгани ҳам шир ижоди кўламнинг нақадар кенг эканлигига ибратли далилдир.

Шоир фаол жамоат арбоби сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлиб, халқ фаровонлиги борасида сидқидил хизмат қилган бўлса, жўшқин публицист сифатида қатор публицистик мақолалари билан мамлакатимиз матбуоти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан чоп этилган китобларда фаол иштирок этган. Унинг қаламига мансуб

” Одамийлик дорилфунуни”, “Нур сояда қолмайди”, Қадри тикнинг қадди тик”, “Европа инқироз исканжасида”, “Бизга дунё ҳавас қилмоқда”, “Оиланинг мустақамлиги-юртнинг буюклиги, муҳташамлиги”, “Қутлуғ ташриф самаралари”, “Қалбига Қуёшни жо қилган шоир”, “Саҳоват-бойликнинг ҳамиртуруши”, сингари долзарб мавзулардаги қалб кўри, кўз нури ва тафаккур шуури билан битилиб, мамлакат миқёсидаги нашрларда эълон қилинган мақолалар фикримизнинг яққол далилидир.

Зиёвиддин Мансурнинг узок йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, ҳамда Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлимларини, шунингдек, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасини юксак салоҳият билан бошқаргани ҳам унинг ўзига хос ташкилотчи эканига ишончли асос бўла олади.

Таниқли адабиётшунос олим, “Буюк Хизматлари учун” ордени соҳиби, Академик Азиз Қаюмов уни воқеъликни рассом каби кўз олдингизга келтириб қўядиган мусаввир шоир,- дея таърифлагани, Академик Наим Каримов ҳақли равишда уни Наманган булбулига қиёслагани, Ўзбекистон Республикаси Фан Арбоби Абдуғафур Расулов уни мустақиллик йилларида янги жанр сифатида шаклланаётган фахрия жанрининг асосчиларидан бири сифатида тан олгани, яна бир Академик Акмал Саидов унинг “Истиқбол йўли” достонини “Сиёсий лириканинг бетакрор намунаси”,-дея эътироф этгани, адабиётшунос Урфон Отажон “Наманган Цицерони”,-дея таъкидлаганидан кейин Зиёвиддин Мансур бугунги адабий жараённи ҳаракатга солиб турган захматкаш

намояндаларидан бири сифатида алоҳида мавқеъга эга эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мустақиллигимиз байрами куни шарафига эълон қилинган “Ватан учун яшайлик” номли танловда “Қуёш ҳайқириқлари” номли сайланмаси рағбатлантирувчи мукофотга сазовар бўлгани ҳам унинг ижодини мамлакат миқёсдаги эътирофидан далолатдир.

Юрак тирик жон учун ҳамиша керак бўлганидек, бутун ҳатти ҳаракатлари кони самара бўлган, эл-юрт манфаати йўлида тинимсиз ҳаракатда бўлган захматкаш ва фидойи фуқаро Зиёвиддин Мансур ҳам нафақада бўлишига қарамай ҳали матбуотда, ҳали телевидениеда, ҳали жамоатчилик орасида ўз салобати ва салобатига яраша саодати билан тез-тез керак бўлиб, бўй бериб туради, энг муҳими, уни деярли ҳамма давралар хушлаб қабул қилади, чиқишларини қарсақлар билан олқишлайди. Айниқса, унинг янги ташкил этилган оила ва маҳаллани қўллаб-қувватловчи янги бошқарма мутасаддилари сафида вилоятимиз фаоллари орасида юриши, бунинг устига бизнинг олийгоҳда “Нотиқлик санъати” фанидан ёшларга сабоқ бераётгани бамисоли олтин узукка ёқут кўз қўйилгандай ярашиқлидир.

Адабиётимизда азалдан мураккаб вазиятлар бироз таҳликали бўлиши билан бир қаторда, ҳамиша янги тўлқинларга, бунёдкорона юксалишларга омил бўлиб хизмат қилгани ҳам тарихдан яхши маълум. Бунга А. Навоийнинг “Ҳилолия қасидаси”, А. С. Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани”, Чингиз Айтматовнинг “Қулаётган тоғлар”, Расул Ғамзатовнинг “Менинг Доғистоним”, Эркин Воҳидовнинг “Палаткада ёзилган дoston” каби энг характерли асарлар ҳаётда, ижтимоий турмушда рўй берган маълум воқеа-ҳодиса, фавқулодда вазиятлар ҳосиласи сифатида дунёга келгани яққол мисол бўла олади. Биз бу билан шоир ижодини ўша довруқдор сиймолар ижодига тенглаш, ҳайбарақаллачилик қилиш фикридан йироқмиз, аммо манзур нарсани манзур эканини эътироф этмаслик ҳам инсоф ва адолатдан эмаслигини ўрни келганда айтмай ҳам туролмаймиз. Чунки яхшиликнинг мукофоти яхшилик бўлсагина у қадр топади, эъзозга эришади, кенг оммалашади.

Шу маънода Зиёвиддин Мансур қаламидан пандемия шароитида тўкилган дурдона асарлар ана шу хатарли эпидемиянинг карантин аталмиш ижобий тенденциясининг ҳосиласи сифатида туғилганлиги ҳам шоирнинг ҳар бир ҳодиса қатидан ҳикмат излашидан, ҳар ёмонни ҳам яхшиликка йўйишидан далолат,-десак айни ҳаққатни эътироф этган бўламиз. Зеро,

## ***Зиёвиддин МАНСУР***

---

доно халқимизда “Иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикмтадир дунё”,-дейилгани замиридаги ҳикмат излашдай эзгу ғоя шоиримизга илҳом ва иштиёқ бахш этган бўлса ажаб эмас. Шу боисдан бўлса керакки, шоир айнан шу қисқа муддат оралиғида 3 та достон, 100 дан зиёд рубоий, 50 га яқин ғазал ва қасидалар ёзиб, “Карантинда топган хазинам” номли бир туркум ижод намунаси яратибди. Биз уларнинг айримлари билан онлайн тарзида танишиб, шоиримизнинг айна етуклик палласида эканига яна бир карра шохид бўлдик.

Ўйлаймизки, биз қуйида номлари зикр этилган илм аҳли вакилларига манзур бўлган бу асарлар, айниқса, ундаги Мухтарам Президентимиз таклифлари асосида Наманганимизда яратилган номи ўзи билан оҳанрабодай ўзига тортувчи “Афсонлар водийси” тўғрисидаги шу номли ғоятда мароқли, сарлавҳада қисқача таърифланганидек, афсонавий боғ ҳақида баравж фахрия ва китобга кирган жаннатмакон Наманганимизнинг жўшқин шеърий манзараларини атрофлича бўй-басти билан кўрсатиб берган шеърлар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, мухтарам шеърият ва айнан Зиёвиддин Мансур ижодининг қадрли муҳлислари!

Шу ўринда алоҳида таъкидлаймизки, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан эълон қилинган “Дунёга бўйлаган Наманган” танловида ҳам мазкур китоб Наманганимиз довуғини достон қиладиган энг манзур асар тарзида муносиб ва ҳалол баҳосига мушарраф бўлиши, иймон-диёнатли ҳакамлар ҳайъати ва жамоатчилик томонидан энг юксак бадиий намуна сифатида энг юқори баҳога сазовар кўрилиши аниқ!

**Эҳтиром билан:**

**Қодиржон Носиров, Шавкат Абдуллаев,  
Саидумар Сайдалиев, Носиржон Улуқов,  
НамДУ профессорлари**

## БИРИНЧИ БЎЛИМ.

### НАМАНҒАН НИМАСИ БИЛАН НАМАНҒАН?

Бетакрор ва беғубор Наманганимиз гарчи Ахси зилзиласи, яъни Умаршайх Мирзо салтанат маркази сифатида Ахсида ҳукм сурган пайтларидан кейин довруқ ёйа бошлаган эса-да, унинг тарихи узоқ қадим замонларга бориб тақалиши тарихдан маълумки, бу масала ҳақида илмий далилларни айтиш тарихчиларнинг иши бўлганидан мен шу юртнинг бир фуқароси, ижодкорларидан бири сифатида ўз она Наманганимиз, унинг ўзим идрок этган жиҳатлари ҳақида ўз қарашларим, унга нисбатан ўз меҳр-муҳаббатим изҳорлари билан кифояланаман. Зеро, Ватан остонадан бошланганидек, кўпчилик ҳамюртларим қатори Наманган мен учун ҳам муқаддас остона эканлиги мени ҳам кўп ўйлантиради, илҳомлантиради. Худди шу ўринда. Нокамтарликка йўймасликларингизни сўраган ҳолда айтаманки, уларнинг даражаси, бадий жиҳатлари нечоғли бўлишидан қатъий назар Наманган ҳақида энг кўп шеър қоралаган шоирлардан бири эканим, бу табаррук гўшага айрича меҳрим ва муҳаббатим ҳамда садоқатли хизматимдан нишоналардир.

Наманган ҳақида мулоҳазаларни бошлашдан олдин шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ер юзида гарчанд гўзал, номдор, довруқдор жойлар нечоғли кўп бўлмасин, ўзининг қутлуғ, табарруклиги билан алоҳида ажраб турувчи, ҳатто номи тоқ айтилмайдиган санокли ЛАТИФ, ЗАРИФ, ШАРИФ шаҳарлар борки, буларнинг номини тоқ аташ ҳам ножоиз саналади. Хўш, бу табаррук гўшалар қайсилар:

Булар-Маккаки Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Бухорои Шариф, Ғазнаи Намангон ҳамда Хўқанди Латиф. Эҳтимол бундай гўшалар яна мавжуддир, бироқ менинг онгимда ўз замонасининг мулаваҷчаларидан бири бўлган Мулла Юсуф карвон исмли бобом (Наманганчасига айтганда оподдам) гўдаклик чоғларимданоқ шуларни бамисоли кўрғошиндай қуйганлар. Номи тоқ аталмайдиган бошқа шаҳарлар ҳақида мулоҳазани ўз эгаларига кўямизда, ўзимизга дахлдор Ғазнаи Намангон ҳақидаги мулоҳазага қайтамыз. Юқорида зикр этилганидек, демак Наманганга хос **энг биринчи жиҳат** унинг номи тоқ аталмайдиган даражада қутлуғ, муборак жойлардан бири эканидир. Шу жиҳатдан бўлса керакки, Наманганнинг нафақат масжидларида, балки унинг муборак сиймолар қадами етган кўчаларида ҳам бетаҳорат юри жоиз эмаслигини бизнинг гўдак шууримизга қуйишган.

Наманганни Хизир Алахиссаллоти Вассалламнинг боғи,-деган атама ҳам борки, бунга шаҳардаги Хизирбува, Хизиробод сингари даҳалар,эҳтимол, шундан далолатдир. Яна бобомдан эшитганим борки, ривоят қилишларича Хизирбува бошқа қайларгадир бир ёки икки бор назар солган бўлсалар, Наманганга уч марта, яъни, биринчи марта бу гўзал гўшага кирганда, иккинчи марта, шаҳарнинг қоқ марказига келганда қараганлар. ( У пайтларда марказ қаер бўлгани ҳақида фақат айри тахминлар бор. Ўшаларга кўра марказ ҳозирги Мулла Бозор Охунд мажмуалари теварагида бўлган. Бунга ўз замонасининг пири комилларидан бири Мулла Бозор Охунд ва у кишининг садоқатли муриди Раҳимбобо Мащраб ўша деҳпорадан экани маълум даражада асос бўлади,) Учинчи марта эса шундай гўзал гўшани ташлаб чиқиб кетяпманми?-деган истиҳола билан ортларига суқланиб боққанлар. Булар ривоятлар бўлиб, муҳими, уларда Наманганнинг нақадар гўзаллиги, Хизирназарлигига ишоралар мавжуд.

Демак, шу мантиқий асосга суянган ҳолда Наманганнинг **иккинчи муҳим жиҳати** унинг Хизирназарлиги эканини бир шахсий мулоҳаза ўрнида илгари сургим келади.

**Учинчидан,** Наманганнинг ҳавоси мусаффолиги ҳам борки, бу бир жиҳатдан юқори томондан табиатнинг табиий кондиционерини бўлган Косонсой, бир жиҳатдан худди шундай боҳаво Янгиқўрғоннинг Нанай, Заркентлари, бир жиҳатдан Попнинг осмонўпар тоғлари, қуйи томондан эса Норин билан Қорадарё, ундан қуйироқда эса Қадим Сайхун аталмиш Сирдарё билан ўралганидандирки, бамисоли икки дарё оралиғидаги Ўзбекистонимиз каби Наманган ҳам Яратган Эгам томонидан тақдири азалдан табиий зийнатларга қориштириб қўйилган

**Тўртинчидан,** Наманганнинг ҳеч қайси лаҳжа, шевага ўхшамайдиган халқона айтганда “мутти-муттиси” унинг яна бир ўзига хослигидан далолатки, Наманган аҳли қаерга боришидан қатъий назар, паспорти, яъни буни ҳам халқона талқин этганда “бош-пути” ни кўрсатиши шарт эмасдай икки оғиз сўзлашганда, Наманганданлигини шевасиёқ манаман,- деб кўрсатиб туради.

**Бешинчидан,** Тилимизда мулозамат,- деган ажойиб ибора мавжуд. Бу ибора айнан Наманган аҳлининг табиатига ғоятда муносиб бўлиб, Наманганча мулозаматни бошқа ҳеч жойдан топиб бўлмайди, -десам анчамунча юрт кезган, ҳар хил табиатли одамлар билан салом-алик қилган инсон сифатида айна ҳақиқатни айтган бўламан. Айтиш мумкинки,



Наманганча мулозамат Наманган аҳлининг беҳисоб фазилатлари ичида энг характерлисидир.

**Олтинчидан**, Наманган азалдан шоҳлик ёки хонлик маркази бўлмаганидан бўлса керакки, бу жой аҳлида қандайдир зодагонликдан кўра кичиккўнгиллик, одамохунлик, табиатан мулойимлик кўпроқ кўзга ташланиб туради.

**Еттинчидан**, Наманган аҳли асосан майда ҳунармандчилик, заргарлик, баққоллик, атлас, адрас соҳалари билн шуғулланишга мойил.

**Саккизинчидан**, Наманганликнинг бешикдаги чақалоғи ҳам оҳангдор “ингалаши”, ўзидан каттани ортидан ҳам “Сиз”лаб мурожаат қилиши, айнан ўзига хослик белгиларидандир.

**Тўққизинчидан**, Халқда “Наманганнинг ширмон (ширмойи) ва гижда нонини емабсиз-дунёга кемабсиз”,- деган гап ҳам бежиз тўқилмаган.

**Ўнинчидан**, яна халқ орасида “Наманганликлар лайлакни Худо,-деб билади”,- деган ибора ҳам яқинларгача онда-сонда эшитилиб турарди. Улар жуда бу даражада шаккок бўлмасаларда, айнан оқлик-поклик тушунчаси бу халқ учун ниҳоятда мувофиқлигини уларнинг қатикхўрлиги, шаҳарнинг ҳозирги қоқ маркази-Чорсу биқинидаги гузарни “Лайлак уя” деб аталиб келингани, бу ерликлар тонгдаги маставага қатик қўшмай ичмаслиги асослаб бериши мумкин.

Наманган аҳлининг тақводорлик даражаси ҳам анча юқорилиги азалдан маълум. Жуда кўп урф-одатларда диний қадриятларга садоқат ҳисси ҳамон бу элнинг дину-диёнатда собитлигидан далолат бериб туради. Бу жойнинг туб аҳолиси, анча-мунча қонун-қоидаларни тўла бўлмаса-да, шаръий аҳкомларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши азалдан бор фазилат.

Ана шундай азалий қадриятлар бешигида Асируддин Ахсикатий, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Маҳдуми Аъзам Косоний, Мулла Бозор Охунд, Нодим Намангоний, Мулла Йўлдош Хилватий, Муҳаммад Шариф Сўфизода, Исҳоқхон Тўра Ибрат, Набихон Чустий сингари фозилу фузало, шоиру шуароларнинг вояга етгани бу гўшадаги маънавий-маърифий илдизларнинг чуқур томир ёйганидан далолатдир.

Табиатан инжа феъл, нозик дид соҳиблари бўлган Намакнган аҳли орасидан Уста Рўзиматхон Исабоев, Жамолқори Ғиёсов, Сора Эшонтўраева,

Турсуной Жаъфарова, Ёкуб Аҳмедов, Ваҳобжон Абдуллаев, Хусниддин Шарипов, Ҳабиб Саъдулла, Ўринбой Нуралиев, Ҳабиба Охунова, Турсуной Мамедова, Камолиддин Раҳимов, Саидхўжа Холдорхўжаев, Баҳодир Бакиров, Мирза Азизов, Зулайҳо Бойхонова сингари эл суйган ижодкорларнинг етишиб чиқиши ҳам аجدодлар анъанасининг авлодлар томонидан муваффақиятли давом этаётганидан далолат беради. Шуларнинг довуғи-салоҳиятига қувонган, улардан ғурурланган кўнгилга беихтиёр илҳом ташриф буюради, фикрлар шеърга айланади:

### **НАМАНГАНИ КИМ БИЛМАЙДИ КИМ**

Намангани ким билмайди, ким?

Намангани билмайдиган кам,

Гул шаҳри,-деб дунёда, балким

Ўйлаб, ўйга тўлмайдиган кам.

Ким билмаса Наманган шонин,

Билгай зўр алигарх ўғлонин,

Бой Алишер Усмонов номин

Дунёда тан олмайдиган кам.

Ўчмас асло Бобурин ёди,

Тожмаҳални қурган аждоди,

Боксёр Муроджон хос авлоди

Бундан завққа тўлмайдиган кам.

Гуллар ёйса чор атрофга сеп,

Хурлар кўрса ич-этини еб,

Беихтиёр жаннат-ку бу!-деб

Ҳайрону лол бўлмайдиган кам.

Машраб шеър-ла олган жаҳонни,

“Ўртар”-ла ўртар Ер-Осмонни,

Зулайҳо “Ҳай-ҳай”,-деган онни

Қўллаб чапак чалмайдиган кам.

“Афсоналар водийси”н пича,

Сайр этса паққос ҳуши уча,  
Шайдо бўлиб ҳеч йўқ бир кеча  
Ётмай уйга жилмайдиган кам.  
Қизлар ичра Ойдаи тўлинни,  
Ахтарса ким берсин “қалин”ни,  
Лофмас ҳеч йўқ битта келинни  
Намангандан олмайдиган кам.  
Ҳавас айлаб тақво, ўйини  
Бўйларига бўйлаб бўйини,  
Ён-верда ҳам ҳатто тўйини  
Наманганча қилмайдиган кам.  
Ким хорижда айрилиқ доғин,  
Чекиб ўлса қўмсаб аймоғин,  
Наманганнинг бир кафт тупроғин  
Кўрмай, Зиё, ўлмайдиган кам.

### **ИСТИҚЛОЛ-ИСТИҚБОЛ МАЁҒИ**

Мустақиллик том маънода янгидан янги истиқбол уфқларини очиб юборди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоиз,-деб ўйлайманки, даҳананинг бошидан бирваракайига, бирданига очиб юборилган сув экинзор, боғ-роҳларни оби ҳаётга қондириш, яшнатишдан кўра пайҳон қилишга, ҳатто вайрон қилишга мойил бўлади. Худди шу мантиққа суянган ҳолда элимиз манглайида Қуёшдай балққан мустақилликка одилона ёндошадиган бўлсак, бу олий неъмат халқимиз томонидан бир хилда олқиш билан кутиб олинди,-десак унча тўғри бўлмайдикки, худди шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабги йилларида Ўш, Ўзган, Шоҳидон воқеалари сингари мудҳиш ҳолатлар қисман Наманган аҳлини ҳам безовта қилмай қўймади. Бунни қуйдаги 2 воқеанинг шеърый тафсилотлари орқали яққол кўз олдига келтириш мумкин:

\*\*\*\*\*

**НАМАНГАН ВОҚЕАСИ**

Осмондан тушмаган ахир истиқлол,  
Мен бунга келтирай биргина мисол:

–Ўшанда Наманган ёнаётганди,  
Эртага ишонч ҳам сўнаётганди.

Адолат ўрнини олиб жаҳолат,  
Диёнат ўрнини олиб разолат.

Кўзига қон тўлган бир вахший қавм,  
Одамлар қалбига тўлдириб ваҳм,

Ижроқўм биносин ўраб олганди-  
Халойиқ кўрқиб, чор – ночор қолганди...

Даъвоси - пешволик битта ғирт каззоб,  
Муқаддас Исломни айлабон ниқоб,

Аллоҳнинг номидан калом айтарди,  
Гўё гўрга олиб бориб қайтарди...

Кўзига қон тўлган тўда – оломон  
Аллоҳ – Аллоҳ!- дея соларди сурон.

Улар ичра содда одамлар ҳам бор –  
Қўшилиб кетганди дўст билан ағёр.

Мисоли сайёдга дуч келган кийик,  
Оддий халқ қалбида кўркув ва ҳадик...

Кўзида ваҳима, халқумида жон,  
Бостириб ижроқўм биноси томон

Келарди - одамнинг сон – саноғи йўқ,  
Топталиб борарди қонун, ҳақ – ҳуқуқ.

Қайдадир кимнидир сўйиб кетишган,  
Қайдадир уйга ўт қўйиб кетишган...

Ниқоб – ла қайгадир кирганлар босиб,  
Кимнидир уйида кетганлар осиб.  
Топталиб ётарди ор – номус ва шаън,  
Дўзахга ўхшарди жаннат - Наманган...

Шундай бир фикрдан эди кўнгил тўқ:  
Бунда оддий халқнинг асло айби йўқ!

Оломон ҳужумкор, зулмкор эди,  
Ортида ғаламис кучлар бор эди...

Эртаси тонг бўлди ажиб бир ҳолат:

Лаҳзада чекинди аҳли жаҳолат.

Небахтки, омманинг етиб ох, дарди,

Майдонга Юртбоши кириб келарди.

Гўё Соҳибқирон ё Жалолиддин-

Мангуберди шашти, шахди – шиддатин,

Алпона қаддида айлаб мужассам

Юртбоши келарди дадил ва шахдам.

Қудратин сезгандай, қаранг, бир пасда

Оломон орқага чекинди, аста...

Гўё ўз – ўзидан ечилиб тугун,

Йўлак пайдо бўлди Юртбоши учун.

Интиқ халқ қалбига бағишлаб сурур,

Гўё зулмат ичра кириб келди нур!

Менинг юзимга ҳам бир эпкини елди –

Гўё марҳум отам тирилиб келди!

Бир менмас улуснинг қадди бўлди тик –

Ваҳима ўрнини олди хушнудлик!

Юртбоши ёниб гап бошлаган чоғи  
Чоғ бўла бошлади элнинг димоғи.

Алҳамдулиллоҳдан бошлаб у сўзин,  
Очди бир лаҳзада элнинг қалб кўзин.

Келтириб қонуний – ҳақ тимсолларни,  
Чиппакка чиқарди хомхаёлларни.

Кескин ва кескир ҳақ фикрлар билан –  
Қонуний ва одил зикрлар билан,  
Қайтарди басирлар аҳлин шаҳдидан –  
Бадният қавмнинг ёвуз аҳдидан.

Айримлар жуфтакни ростлай бошлади,  
Гўё илонлар пўст ташлай бошлади.

Халқига тоғ мисли чўнг ихотадек,  
Худди фарзандига қалқон отадек,

Юртбоши қалбида элу – юрт дарди,  
Адашганларни ҳақ йўлга соларди:

–Ким бор халқ ичида ёвлашадиган,  
Ўртада нима бор талашадиган?

Кимга керак миллат ичра айрилиш,  
Ўнг келган кўчага қараб қайрилиш?!

Кимга зарур солмоқ бундай нифоқни,  
Ажратиб бўлурми этдан тирноқни?!

Душманлик уруғин сочмай орага,  
Мард бўлсанг, чиқ, мана музокарага!  
Муроса ўрнига тўкилсинми қон,  
Бу қандай диёнат, бу қандай иймон?!

Адоват, низони оқлар қайси дин,  
Қирғин, можарони оқлар қайси дин?!

Барака топгурлар! Бирикмасак биз,  
Билингиз, ўнгламас асло ҳолимиз.

Худо ҳам: Сизлардан ҳаракат,- дейди,  
Ҳаракат ортида баракот, – дейди.

Англаг, пок ниятли Наманган аҳли,  
Нафақат Наманган, юрт – ватан аҳли,

Бирикса, истиқлол йўлига чиққай –  
Албатта, истиқбол йўлига чиққай!



Ғанимлар йўлига чалғиманг асло,  
Фақат ҳақ-рост йўлни қўллагай Худо! –

Бировлар кутгандай рўй бермади жанг,  
Ғанимлар аҳволи зумда бўлиб танг,

Мисоли сичқоннинг ини минг танга,  
Бўлиб, дош беролмай ҳақ гап - суханга,

Ўзни пешво билган асли ғаламис,  
Ҳеч ким эмаслигин эта бошлаб ҳис,

Хаёли капалак мисоли учди,  
Гўё қўлтиғидан тарвузи тушди.

Гарчи у анойи эмасди, аммо  
Уни қарғанди Худо, ха, Худо!

Йўқса Юртбошига боқмас эди тик,  
Манфур,  
беандиша,  
виждони чирик...

Зумда исқиртланиб қолди у ё Раб!  
Ота лаънатлаган валадга ўхшаб...

Назардан қолди у,  
Кетди зумда суст,  
Ғазаб – ла тикилди унга эл – улус.  
Юртбоши – Ҳақ суйган назаркарда зот,  
Элин фикрин қамраб олди - ю кушод,

Сўзлади мустақил Ватан ҳақида,  
Ифтихор, номус – ор ва шаън ҳақида:

-Ким ҳақ-у ким ноҳақ кўрамиз, - деди,  
Биз буюк мамлакат қурамиз! – деди,-

–Мисоли арслонга мутеъ қуёндай  
Ўзгалар кўзига қараймиз тоқай?!

Мустақил бўлишга ҳаққимиз бор-ку,  
Озодлик биз учун фахр – ифтихор-ку!

Бахт, иқбол йўли бу – истиқлол йўли,  
Истиқлол йўли бу – истиқбол йўли!

Биз ҳам ҳеч кимдан кам эмасмиз, ахир,  
Бизни, иншооллох, сийлагай тақдир!

Англайлик озодлик, деган туйғуни?  
Бирлашиб, курашиб олингай уни!

Агар бир ёқадан чиқармасак бош,  
Бизларга ғалаба бўлмагай йўлдош!

Адолат олдида жаҳолат сўнгай,  
Матонат олдида қабоҳат сўнгай!

Хуллас, Юртбоши бош, олмоқ керак тан  
Қирғиндан сақланиб қолган Наманган.

Ўшанда Юртбоши эл-чун мисоли,  
Бўлганди илоҳий қудрат тимсоли.

Унда бир бетимсол журъат бор эди,  
Матонат бор эди, шиддат бор эди.

У – элнинг суянган қояси бўлди,  
Аллоҳнинг Ердаги сояси бўлди!

Йўқса ур – сур газак олганда борми...  
Шубҳасиз, ёнарди юртнинг нақ ярми...

Бу гаплар ҳолатнинг биттаси фақат,  
Қолганин айтишга етмагай тоқат.

Ҳар битта гўшада рўй берган бу ҳол –  
Ўзича кулмаган бизларга иқбол.

\*\*\*\*\*

Намангон воқеаси...

Ўш, Қўқон воқеаси...

Андижон воқеаси

Унут бўлмас ҳеч қачон.

Хурликка энтикканлар,

Бу йўлда жон тикканлар,

Ғанимларни йиққанлар

Унут бўлмас ҳеч қачон.

Озор берган ағёрлар,

Фитнагарлар – маккорлар,

Бузғунчи дилозорлар

Унут бўлмас ҳеч қачон...

Улардаги жаҳолат,

Халқ кўрсатган матонат –

Мардлик, қудрат, жасорат

Унут бўлмас ҳеч қачон!

\*\*\*\*\*

**УММАТ БУВА ҲИКОЯСИ**

Сал қолганди кофир бўлиб кетишимизга –  
Сал қолганди ўзга динга ўтишимизга.

Бир мажлисда бир ғайри тил бўлса мабодо,  
Мажлис она - тилимизда ўтмасди асло.

Ҳа, рости гап, тилимизни бериб қўйгандик –  
Дилимизни, йўлимизни бериб қўйгандик...

Унутилаёзган эди никоҳ ўқиш ҳам,  
Жанозага кириш топай деганди барҳам.

Оҳ! У ёқда турсин эркин айтиш салавот,  
Қилолмасдик марҳумларга қуръон тиловат...

Бир “катта”нинг отахони қазо қилганда,  
Кўчасидан қайтарилган биз – мўмин банда...

“Қуръон” ўқиб бўлмаган, эҳ, икки калима  
Бизни қуршаб олган эди даҳшат, ваҳима.

Ҳажга бориш қайда эди собиқ тузумда,  
Мусулмонлар яшар эдик доим зуғумда...

Ҳа, кулгили: Ўғлин хатна қилгани учун  
Қаранг, Чустий домла бадном бўлган бус – бутун.

Чикқани чун бир мулланинг уйидан “Қуръон”  
Дом дараксиз йўқотилган қилиб қатағон.

Аттанг – аттанг! Бу миллатнинг энг саралари –  
Қоялари,  
Чўққилари -  
Мард дарғалари  
Эҳ! Жувонмарг бўлиб кетди сарғайиб, сўлиб,  
Дарё эди,  
Денгиз эди  
Оқмади тўлиб...

Жадид бўлиб ўлганларнинг, эҳ, адоғи йўқ,  
“Халқ душмани” бўлганларнинг сон – саноғи йўқ.

“Пахта иши” билан қанча – қанча алп ўғлон,  
Терговларда, қийноқларда таслим этди жон...  
Мустақиллик нуқта қўйди ушбу ҳолатга,  
Фақат озод бўлиб етдик чин саодатга.

Адоват – ғўр, адолат – зўр, - демаслар бежиз,  
Мана, бунинг исботини кўрмоқдамиз биз.

Юртбошини қилсак арзир ҳар қанча дуо,  
Дуо олган ҳар бандани қўллагай Худо.

Мен яқинда етти пирни айлаб зиёрат,  
Куч – ғайратга тўлиб қайтдим яна бағоят!

Улуғларнинг қабри узра зийнат, маҳобат  
Абгор ётган қабристонлар бўлмиш аломат!

Зиёратда бир нарсага, рост гап, бердим тан:  
Юртбошини биздан кўпроқ руҳлар қўлларкан!

Кимки улуғ аждодларин руҳин этса шод,  
У ўзи ҳам улуғланиб яшар умрбод!

Қайтдим хушнуд бошга қўнган каби Ҳумолар  
Бор бўлсин! – деб истиқлолни қилдим дуолар.  
Ҳар кун беш вақт номозимда такрор ушбу сўз:  
Эй, Худо! Шу жаннат юртга ҳеч тегмасин кўз!

Ҳа, ўша машъум кунлар ўтиб кетгани, ўтмишга айлангани,  
илоҳим рост бўлсин!

Бало-офатларни енгиб ўрганган халқимизнинг таркибий  
қисмларидан бири бўлган пок ниятли Наманган аҳли, аввало  
Худо, қолаверса, унинг ҳалол ва фаол кучларга таянган  
раҳбарияти билан ҳамжихатликда, оғир талотўпларнинг олдини  
олиб қола олди. Бу гаплар бугун айтишга осон. Бироқ ўша  
кунларда кўзига қон тўлган қабих ниятли кимсалар олдига бориш,  
улар билан юзма-юз мулоқот қилиш бамисоли жаҳаннамнинг

оғзига бориш билан теппа тенг эди. Ўшанда вилоятга янги раҳбар бўлиб келган раҳматли Бургутали Рапиғалиевнинг минбардан туриб айтган:

-Наманганнинг тинчлиги, Наманган аҳлининг осойишта ва хотиржамлиги учун керак бўлса тикдим жонимни!- деган сўзлари ҳақиқий жасорат, асл қаҳрамонлик эди.

Ана шундай таҳликали кунлар ортда қолиб, мана фараҳбахш кунларга ҳам чиқиб олдик.

Энг нурафшон, энг диққатга сазовар кунлар эса ТАМОМИЛА ЯНГИ ДАВР сифатида Президент Мирзиёев давридан бошланганлигига тарих ва уни яратаётган халқимиз гувоҳ бўлиб турганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда мазкур ҳолатни завқбахш бир ҳаяжон билан айтмасам бўлмас. Наманганда қарийб 60 йилдан бери гул байрами нишонлаб келинарди. Бироқ Муҳтарам Президентимиз-нинг бу ўзига хос байрамни халқаро миқёсга кўтариш, хориждаги энг илғор тажрибалар асосида бойитиш тўғрисидаги бағоят жўяли таклифларидан кейин гул Наманган аҳли учун нафақат нафосат, гўзаллик рамзи, балки халқаро тажриба мактабига, бизнес омилига айланди. Ер юзининг жуда кўп мамлакатларида ҳар хил парадлар, ҳатто ҳарбий қуролларни кўз – кўз этувчи парадлар борлиги кўпчиликка сир эмас. Аммо жаҳон тажрибасида илк мартаба ўтган йилидан бошлаб гул паради ташкил этилди. Юзлаб машиналарда Наманган кўчаларини тўлдириб ўтган бу парадлардан кўзлари қувончдан порламаган, қалблари меҳр – муҳаббатдан қўрланмаган одам қолмади,- десам айни ҳақиқатни



айтган бўламан. Шу эмасми, Президентимизнинг одамлар рози бўладиган ишларни қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларининг самарали ижроси?! Ўтли туйғуларим яна назмий тус олади, шеърга кўчади:

Дунёда тенги йўқ гулшан –  
Ноёб гулзор Наманганим,  
Жаннатга бергусиз чаман –  
О! Бетакрор Наманганим.  
Гуллар юзида хандадир,  
Булбуллари хонандадир,  
Кўрганки вола – бандадир  
Серхаридор Наманганим!  
Ширмонлари ҳеч жойда йўқ,  
Чуст оши шоҳсаройда йўқ,  
Гул ҳусни ҳатто Ойда йўқ  
Кони асрор Наманганим.  
Беҳишт неъматлари мисол  
Олма, анор меваси бол,  
“Мутти – мутти” шеваси бол  
Шакаргуфтор Наманганим.  
Хизир боғин нақ ўзидир,  
Тимсоли равнақ ўзидир,  
Қўлловчиси Ҳақ ўзидир  
Мўжизакор Наманганим.  
Шоҳ Машраби – оташзабон,  
Ҳабибаси – булбулсимон,

Камолиддини – зап хушхон

Жонлар нисор Наманганим.

Гул шаҳри,- деб атар олам,

Гулни севмас қай бир одам?!

Шундан суяр Юртбоши ҳам

Жозибадор Наманганим!

Лайлаклар – оқ орзулари,

Соф тонглар – соф туйғулари,

Тақводор эл – инжулари

Пок – беғубор Наманганим.

Тинч бўлсин Ер – самоларинг,

Порлайверсин Зиёларинг,

Ортаверсин дунёларинг

Бўл энг илғор Наманганим!

Шу фикрларни ёзатуриб, Наманганимиз тўғрисидаги фикрлар шеърий йўсинга кўчади,- деган кайфиятда бўлганим учун шуни ҳам келтиргим келди:

Намангани Хизир бува боғим,-деганлар,

Халқин эса уруғим – аймоғим,- деганлар.

Шул эвазки, бунда доим барака бўлгай,

Барака бор жойда тўю, маърака бўлгай.

Хизир назарки, пилласи тўлаверади,

Меҳнат билан ғалласи мўл бўлаверади.

Ҳосилларига тор келиб Ватан омбори,  
Қазноқлари ҳам тошар, бут бўлар рўзғори.

Жўшиб ишлаб, пахтани ҳам қотириб қўяр –  
Ваъда бердими, лафзи пок ошириб қўяр.

Лафзи ширинликдан бу халқ шеваси ҳам бол,  
Наинки шеваси, унинг меваси ҳам бол.

Қўшиқ бўлиб кетган олма, анори бордир,  
Уни еган одам борки, қўмсаб хумордир.

Иймонли эл, виждонли эл, диёнатли эл,  
Ўз юртини жаннат этмоқ чун боғлаган бел.

Шу боиски, юртбоши ҳам суймагай бежиз,  
Юртбошини ҳам қўрар бу эл жондан азиз.

Ахир Хизир назар солган юрт ҳеч бўлмас кам,  
Хизир қўллаганни, шаксиз, қўллар Эгам ҳам!

Наманганим! Қўлинг баланд бўлиб ҳар доим,  
Обрў шоҳсупасидан ҳеч тушма, Илоҳим!

**ИККИНЧИ БЎЛИМ.**

**БУ-ТАМОМАН ЯНГИ НАМАНГАН**

Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг умрбоқий шеърлари қаторида бизнинг она-Наманганимизни тараннум этувчи қуйидаги сатрлари мавжуд:

Наманган,- деганда ҳар кекса-ёшнинг  
Лабидан бол томар, сўзлари ширин.  
Азалдан файзи бор бунда Қуёшнинг  
Юзларда қон, қаймоқ ранги яширин.

Дарҳақиқат, шоиримиз жўшиб таърифлаганидек, Наманганимизни Наманган қилган унинг пок ниятли, аҳил, ҳамжиҳат ва меҳнатисевар, шоир ибораси билан айтганда, “Юзларда қон, қаймоқ яширин” ширинсухан, олижаноб ва меҳмондўст элидир. Халқимиз ниҳоятда топиб айтганидек: “Ҳар кимники ўзига, Ой кўринар кўзига”. Бошқа ҳудудлардаги кадрдонларга ботмасин-ку, мен ашаддий Наманганпараст сифатида гарчи чин дилдан ҳурматимни дариғ тутмасам-да ҳеч бир жой аҳлини Наманган аҳлига алмаштиргим келмайди. Шу ўринда бир ғазал:

Жаҳон аҳли фазилатда  
Наманган аҳлича бўлмас,  
Ширин сўзда, нафосатда  
Наманган аҳлича бўлмас.  
Қайс Лайли,-дея мажнун,  
Фидо Ширин,-дея Фарҳод,  
Улар гулга муҳаббатда

Наманган аҳлича бўлмас.

Бутун оламда гул шаҳри

Аталгайдир Наманган, лек

Ажаб! Гул ҳам тароватда

Наманган аҳлича бўлмас.

Улуғ Машрабга бир Ҳазрат

Навоий келса тенг келгай,

Бўлак шеър аҳли нисбатда

Наманган аҳлича бўлмас.

Неча Чустий, Косонийлар

Буюк Ахсикатийлар бор,

Бу дунё аҳли фикратда

Наманган аҳлича бўлмас.

Бекор айтмасдир Олмосда

Парилар кони бор,-деб эл

Нетонг, хурлар назокатда

Наманган аҳлича бўлмас.

Чизиб суврат, киритган жон

Улуғ Акмал Нури борки,

Пикассо ҳам фасоҳатда

Наманган аҳлича бўлмас.

Бу эл тақвоси бирлан ҳам

Бутун оламга кўзгудир,

Бирон бир эл ибодатда

Наманган аҳлича бўлмас.

Шу тақво, шу ҳалол – поклик

Элин бахти, бўлак эллар  
Яратганга итоатда  
Наманган аҳлича бўлмас.  
Элим! “Хундай” миниб, олдда  
Елиб борса, Зиё, елдай,  
Бирон эл энди шиддатда  
Наманган аҳлича бўлмас!

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолиги, унинг вилоятимиздаги бош штаби-вилоят ҳокимлиги етакчилигида бўлаётган ишлар ҳар қандай ижодкорга ҳам илҳом бахш этиши, янги-янги асарлар яратишга руҳлантириши табиий. Бир замонлар, яъни собиқ Шўролар салтанатининг илк босқичларида бир канистр керосинни қўшимча олиш учун Фарғона генерал губернаторига арз билан чиққан вилоят раҳбарияти эндиликда ҳар томонлама эркин фаолият кўрсатиш борасида мамлакатимиз раҳбарияти яратиб бераётган эркин муҳитдан руҳланган ҳолда жуда катта миқёсдаги ишларга қўл ураётганини теварак-атрофдаги оламшумул ўзгаришлардан илғаш қийин эмас.

Пойтахтдан келатуриб, шундоққина Қамчиқ довонидан йўл-йўлакай замонавий машина ўриндиғи ўртасидаги стакан қўядиган токчачага бир стакан сувни қуйиб яшин тезлигида ҳаракатланиб, то Намангангача бир қултум сув тўкилмаслигидан тортиб, довоннинг икки тарафидаги илгари Афғонистон саҳроларидаги омонат чайлаларни эслатувчи савдо растаси дейишга уялинадиган бозорчалар ўрнида дунё андозалари асосида қурилган супермаркетларга андоза бўлгулик замонавий бозорчаларгача

ҳамма-ҳаммаси кейинги 2-3 йил ичида тартибга келтирилганига гоҳо ўзингиз ҳам ишонқирамай қарайсиз,- десам ҳеч ким мени лоф қилишда айбламаслиги табиий.

Айни пайтда карантин туфайли ўрнатилган тамойилларга биноан биров қатновлар вақтинча чекланганини ҳисобга олмаганда, азалдан ёнқўшни-жон қўшнилар билан узилган қардошлик ришталарини боғлаш асносидаги қувонч ёшларини ким ҳам тасаввур қилувди, ахир?!

Эртанги келажагимиз бўлган норасида гўдақларни боғчага тортишдаги кемтикликлар шу яқин уч йил ичида тўлдирилишини, хусусий, давлат билн ўзаро шериклик асосида жаҳон андозалари асосидаги қайтадан бола бўлишга рағбат уйғотадиган боғчалар кимнинг хаёли кўчасидан ўтган эди?!

Айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардаги валломатларга рўпара келиш Азройилга дуч бўлишдай хатарли экани кун кеча эмасиди?!

Оддий ишга кириш, меҳнат билан банд бўлишнинг ота гўри қозихона бўлганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмасди-ку!

Ёинки ўз меҳнатимиз эвазига бериладиган маошларимиз тушган пластик карточкалардаги иш ҳақларимизни нақд пулга айлантириш, пенсия ёки ёрдам пулларини олишдаги сансалорликларга барҳам бериб, хоҳлаган банкларда, аҳоли гавжум масканларда қисқагина фурсатларда банкоматларнинг ўрнатилиши халқимизнинг оғирини енгил қилмадими?

Мамлакатимиз пойтахтини дунёнинг энг гўзал мегаполисига айлантирувчи бир – биридан гўзал иншоотлар, бежирим йўл ва

кўприклар уёқда турсин, шундоққина Наманганимизда кадростлаган кўзларни қувонтирувчи кўркем шоҳсаройларга андоза бўлгудай нақшинкор, ҳашамдор кошоналар, кирсанг чиқиб кетмай, ётиб олгинг келгудай ноёбдизайн турар жой бинолари, ором беришдан кўра ҳайратлилиги билан ормингни ўғирловчи хиёбону сайргоҳлар, тунларингни кундан-да нурафшон қилгувчи рангин нузли фавворалар дунёнинг қайси тараққий этган мамлакатлардагидан кам файзу тароват бахш этади? Яқин-яқингача биттагина ибора-гул шаҳри,-деган ибора ёнига бугун Наманган-дўстлик, биродарлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тотувлик, иноқлик, меҳр-оқибат, қадимийлик ва навқиронлик, ташаббускорлик, ижодий равақ, энг муҳими, эмин-эркин фаолият кўрсатиш вилоятига (албатта, барча вилоятлар қатори) айланмадимми?!

Ҳа, бугунги Наманган тамомила бошқа Наманган, дунёга бўйлаётган, ёрқин келажакни ўйлаётган, ўз эртанги таянчлари бўлмиш иқтидорли ёшлар, спортчилар, рационализаторлар тимсолида дунё минбарларида, танловларида, рингларида ғурур ва ифтихор билан милат, юрт шаъни ҳақида жўшиб суйлаётган Наманган эканини ҳис қилиш нақадар ёқимли, ғурурбахш ва сурубахш, ахир?! Биргина профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, Президентимиз Фармони билан “ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ” ФАХРИЙ УНВОНИга эришган Муроджон Аҳмадалиевга ким ҳавас қилмайди, қувонмайди, ўғлини унга ўхшашини истамайди. Худди шу ўриндаги ҳаяжонларим, эҳтиросларим беихтиёр шеърга айланади:



**НАМАНГАН ЎҒЛОНИ**

**Фахрия**

Меҳрим тўлиб-тошди  
Мисоли уммон,  
Дилим жўшиб, шундай фахрни туйди:  
Наманган ўғлони боксёр Муроджон,  
Ўзбекнинг кимлигин кўрсатиб қўйди!  
Зеро неча карра олдирганди тан  
Юртим сиймолари бутун Ер шарин.  
Ажабмас Муроджон бир зарба билан  
Эсга солган бўлса ўз аждодларин.

Буюк соҳибқирон руҳи бўлди шод,  
Султон Жалолиддин тирилди гўё.  
Паҳлавон Маҳмуд ҳам худди солди дод:  
Ўзбекка яна тан берди!-деб дунё.

Шукур!  
Орзу бўлган кунларга етдик,  
Мард ўғлон оқлади еган нонини.  
Ахир  
Шу кунгача кўрмаган эдик  
Чустдан чиққан жаҳон чемпионини!

Бир гапни айтмасам шу жойда асло  
Хуморим ёзилмас, тарқамас алам.

Боғи Бибиона,  
Боғи Мавлоно  
Сувидан ичганлар асло бўлмас кам!

Урмаган бўлса-да аввал бировни,  
Муроджон кўрсата олди ўз кучин.  
Ёр учун ипакдай майин қўл ёвни  
Гурзидай чилпарчин қилиши мумкин.

Чустий домла тирик бўлганда бу кун  
Эҳтимол ёзарди “Фахру шоннома”,  
Лек Муроджон қўлга киритган соврин  
Шоир ёзгандан зўр “Паҳлавоннома”!

Эй, ғаним!  
Ўч энди,  
Даъволаринг пуч,  
Курашма, демасман  
Кураш эрта-кеч.  
Кимгадир ишлатсанг ишлатавер куч,  
Лекин ўзбек билан ҳазиллашма ҳеч!

Бу кун ўйламасми ҳар бир фуқаро:  
Муроджонга ўхшаб қолсам қанийди!  
Чунки Чустнинг номин билмаган дунё,  
Бугун Муроджонни яхши танийди!

Айтинг бу кун уни ким қилмас ҳавас,  
У кимнинг фарзанди, кимнинг зурёди?  
Энди Аҳмадали ўғлигинамас,  
У энди ҳар дилнинг, элнинг муроди!

Шундан келиб чиқиб айтаман:  
Ундан  
Чиқар Олимпия чемпиони ҳам.  
Ўшанда ҳайратдан лол қолиб чиндан  
Қутловлар йўллайди жумлаи олам.

Тилимга кўчади дилим матлаби-  
Ўзингдан сўрайман,  
Аллоҳим!  
Шу кез:  
Ўзбекойимларга Муроджон каби  
Ботир фарзандлардан бериб тур тез-тез!

Муҳтарам Президентимизнинг вилоятимизга қилган ҳаргалги ташрифлари чоғида Наманганимизга изҳор этган оталарча меҳр муҳаббатлари, айниқса, жўшиб меҳнат қилаётган, ўз ҳудудини обод, кўнгилларни шод этаётган Наманган аҳлини яхши яшашга маънан ҳаққи борлиги тўғрисида чехралари нурланиб, қалблари кўрланиб этган эътирофлари, вилоятимиз раҳбарига билдирган ишончлари қайси бир наманганликни

тўлқинлантирмади, фахру ифтихорга, айни пайтда юксак масъулиятга ошно этмади, ахир?!

Ҳа, эл-юрт ташвишида уйқу, ҳаловат нималигини билмай, кеча – кундуз тинимсиз ишлаётган, изланаётган, фикри – зикрида, ҳар бир мушоҳадасида ҳалол хизмат қилиш, одамлар рози бўладиган ишларни қилишга даъват руҳи ҳукмрон, адолат пешвоси бўлган ҳукмдоргина бундай нуқтаи назарни, холис баҳони бера олади. Шу маънода биз Наманган аҳли ана шундай холис баҳога муносиб бўлганимиздан бениҳоя мамнунмизки, бу манунлик юқорида айтганимдек, бизга айни пайтда масъулият ҳам юклаши табиий.

Мен бир ижодкор, маънавиятчи сифатида катта давраларда бир фикрни кўп таъкидлайман. Яъни муайян бир халқни иқтисодини, қурилишини, ободончилигини, қўйингки, барча жабҳасини ва шу асосда даромадини кўтариш лозим, аммо, менимча, энг аввало, унинг руҳини кўтариш зарур. Чунки руҳи кўтаринки бўлган халқгина улуғ ишларга, буюк бунёдкорликларга жазм этади. Бунга буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг қаҳрамонона ҳаёт ва фаолиятлари жонли тимсолдирки, дунёнинг қарийб ярмини ўз омилкорлиги билан эгаллай олган буюк бобомиз ҳеч қачон урушлар қилган эмас, балки юришлар қилган. Бундай мардона юришлар давомида қайси ҳудудга қадам ранжида қилса, ўша макондаги олим – уламо, фозил – фузалоларни, адабиёт – санъат намояндаларини ҳузурига чорлаб, уларни улуғлаш, Худо берган истеъдодларини янада такомиллаштириш ҳақида ғамхўрликлар кўрсатиш, етим –

есирларини бошини силаш асносида уларнинг руҳини кўтарган, рағбатлантирган. Натижада бир ҳудуддаги шундай кишилар кейинги ҳудудга соҳибқирон одамлари сифатида ҳамроҳлик қилиб ҳамкор сифатида эргашиб кетаверган ва шу йўсинда дунёнинг қарийб ярми Туронзамин ҳукмдорининг мулки ва хайрихоҳларига айланган. Бу гапларни эслашимдан муддао шуки, бугун ҳам Мухтарам Президентимиз томонидан малакатимиз бўйлаб жорий этилган янгича сиёсий иқлим, адолатли бошқарув, талабчанлик ва меҳрибонликнинг уйғун тарзда қўшиб олиб борилиши, бамисоли Қуёшнинг ҳамма маконларга бир хилда нур таратиши янглиғ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига Президент даражасида ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб муносабат ўрнатилиши айна ана шундай руҳий кўтаринкилик учун бош омил бўлмоқда. Наманганнинг кундан-кунга гўзаллашиб, кўркамлашиб, тароватга бурканиб бораётганида худди ана шу эътибор, ишонч муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, Наманган ёшлари Президентимиз кутганидек, халқимиз умид қилганидек, илмли, зиёли, рақобатбардош бўлиб улғаяётгани қувонарлидир. Худди шу ўринда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Х. Бозаровнинг вилоятимиёшлари билан жорий йилнинг 7 январидagi учрашувида Мухтарам Президентимизнинг таъкидлаган 2020 йил мамлакатимизда ёшлар сиёсати борасида туб бурилиш йили бўлиши ҳақидаги фикрларини айтиб вилоятимизда ҳам бу борада ёшларимиз учун 36 минг ишчи ўрини яратилиши, йил давомида вилоятда қуриладиган 1368 та турар жойдан 300таси фаол ёшларга ажратилиши, улар учун 6 та янги мактаб қурилиб, 11 таси реконструкция қилиниши,

103 та компьютер синфлари ташкил қилиниши, вилоятимиз Олимпиада даражасида “Маҳаллиада-2020” номли янги спорт мусобақаси ўтказиш ташаббусини кўтараётгани, ёшларнинг касб-хунар эгаллашлари учун Ҳиндистон, Жанубий Корея ҳамда Япония давлатлари билан ўзаро ҳамкорликда замонавий тил ўргатиш марказлари ташкил этилиши, Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази” қошида барча қулайликларга эга “Медиа марказ” ишга туширилиши, халқаро олимпиада ғолибларига замонавий русумдаги автомобиллар совға қилиниши, вилоят ёшлари ўртасида анъанавий мусиқанинг 3 та тури бўйича танлов ўтказилиши, шу йилнинг ўзида 100 нафар ҳар томонлама етук ёш кадрлардан раҳбарлик лавозимларга қўйилиши, қўйингки, Қуёш чиқса ҳам Ой чиқса ҳам ёшларга боқишидай эътиборлар хусусидаги гапларни, гапгина эмас, амалий ишлар қилинишини эшитганимда, ростга гап, “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!-дея хайқиргим келди. Қуйидаги шеър ана шу ҳаяжони маҳсули сифатида кўнглимдан ўтди:

### **ЎЗБЕК ИСТИЛОЛАРИ**

Азалданки,

Башариятга

Аён ўзбек истилолари.

Дунёни кўп солган ҳайратга

Ҳар он ўзбек истилолари.

Ҳамон эслар дунё бериб тан  
Ва ҳис этар шамшир зарбини.  
Олган Темур юришлар билан  
Қарийб Ер шарин ярмини.

Кўр,  
Эй Дунё!  
Фахр этмай нечун?  
Бу ҳам мавҳум гапмас ҳавойи:  
Темур тиф-ла ярминг,  
Бус бутун  
Ашъор ила олган Навоий!

Улуғбек ақл ила ундан ҳам  
Илгарироқ юксаклаб кетган:  
Юлдузларни айлаб у қарам  
Бепоён Осмонни забт этган!  
Буюк халқим Еру Самони  
Яна бир бор ҳайратга солди:  
У ушбу гал нотинч дунёни  
Тинчлик билан ишғол этолди!

Ишонмаса бунга қай кўзлар,  
Кўкка боқсин,  
Айлар ошкора,  
Ўзбекча ном олган юлдузлар  
Ва Самарқанд номли сайёра...

Авлодимиз биздан ҳам ўтар,  
Бергай аждод берган дарсни ҳам.  
Иншооллоҳ,  
Бизнинг фарзандлар  
Ишғол этар ҳатто Марсни ҳам!

Бошқа халқлар ҳам аҳдга етар,  
Фақат тинчлик,  
Бахтни ўйлашса –  
Барча юртлар юксалиб кетар  
Ўзбекистон билан бўйлашса!

Яратган Эгамнинг инояти билан “Шимолий муз океани”, “Тинч океани”, “Ҳинд океани” сингари беҳудуд уммонларнинг борлиги бутун башарият аҳлига аён. Бироқ Президентимиз тавсияси, мутасаддиларнинг саъи ҳаракатлари билан Наманганда халқаро андозаларга ҳар жиҳатдан мос келадиган “Океан” номли сузиш ҳавзаси яратилганлиги, ҳатто бундан уч йиллар олдин ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди,- десам тўла ҳақлиман. Ёинки худди шу янглиғ мўъжизалардан бири тарзида вужудга келган, яқингинада ҳам Худо кўрсатмасинки, йўқ селга селхона вазифасини ўтаб, аслида қақраб ётган сой бағрида номи ўзи билан яратилган “Афсоналар водийси” номли ҳайратомуз мажмуа кимни ҳайратга солмайди, ҳавасини кўзғамайди, шу юртга, шу мамлакатга бир меҳрини минг меҳрга айлантирмайди, ахир?! Яна ўтли ҳажон, Ўзбекистон, унинг жаннатмакон гўшаси Наманган,



бунёдкор халқимиз, унинг халқпарвар, миллатпарвар раҳнамоси-  
Муҳтарам Президентимиз ҳақида қайноқ меҳр, ўтли муҳаббат ўз-  
ўзидан шеърга айланади:

Эй, аҳли ўзбек! Кенг дунёга қаранг,  
Қайдадир эллар бир-бирин қирмоқда.  
Атанган қай халқлар кун кўрса аранг,  
Сизнинг қавм буюк давлат қурмоқда.  
Бундайин улуғ эл,  
Айтинг,  
Қайда бор?  
Фақат Ўзбекистон деган жойда бор.

Пахта қўймаса-да бировга ҳеч вақт,  
Пахта уяверар ҳар йили тоғ-тоғ.  
Тинимсиз меҳнатдан топмоқ учун бахт,  
Сув етмас чўлларни ҳам этгай боғ-роғ.  
Бундай захматкаш халқ,  
Айтинг,  
Қайда бор?  
Фақат Ўзбекистон деган жойда бор!

Завқланар ҳаттоки чиқса ҳашарга,  
Бировдан қизғонмас меҳр кўрини.  
Айвонин ин қилса қалдирғочларга,  
Дўстларга бахш этар уйин тўрини.  
Бундай Ҳотамтой халқ,

Айтинг,  
Қайда бор?  
Фақат Ўзбекистон деган жойда бор!

Қай карвон адашса, изланса тун кун  
Тилаги, албатта, бўларкан бажо.  
Небахт, тўғри йўлни кўрсатмоқ учун  
Бир ботир сарбонни бераркан Худо.  
Бундай тимсоли йўқ сарбон қайда бор?  
Фақат Ўзбекистон деган жойда бор!

Ҳар бир боғ, ҳар бир тоғ, ҳар бир бўстонда  
Барқ уриб ётади илоҳий хилқат.  
Жаннат асли битта, лек бу ошёнда  
Бордир ҳар қадамда биттадан жаннат!  
Бу кўрк на юлдузда ва на Ойда бор  
Фақат Ўзбекистон деган жойда бор!

Шу юртнинг бир парчаси бўлган Наманган ҳақида ҳам  
туйғуларим жумбушга келади:

Фалакда Қуёш, Ой ягона,  
Заминда Ҳотамтой ягона.  
Ер-Кўкда сендай, эй, Наманган  
Гул шаҳри,- деган жой ягона.

Наманганни Наманган бўлишида, унинг доврўғини дунёга  
ёйилишида, албатта, истиклол, уни миллат, эл-юрт тақдиридаги  
ўрни ва роли билан бир қаторда, мамлакатимизда собиқ тузум

даврида ҳеч қачон йўл берилмаган тадбиркорлик, хусусий мулк тушунчаси, унга бўлган ишонч, хусусий мулк тушунчасини ҳатто Конституцияга киритилиши, Мамлакат раҳбари томонидан ошкора тарзда “Тадбиркорга қаршилик қилган, унинг йўлига ғов бўлган менинг душманим,- дея баралла айтилиши бу соҳа ривожига ҳал қилувчи омил бўлди. Ҳатто таассуфки, бизнинг онгимизда бойликка, бойларга нисбатан шундай нафрат уйғотилган, шундай туйғу шакллантирилганки, гўё бой одам ёвуз бўлади, албатта оммани эзади,-деган ғоя адабиётимизда бош ғоялардан бирига айланган. “Бой ила хизматчи”, “Қутлуғ қон” асарларидаги тушунчалар бунга ўринли мисол бўла олади. Ҳолат шу даражага етганки, ҳатто хорижда бўлса ҳам у бой бўлса, албатта унга душманлик нуқтаи назари билан қаралган. Қуйидаги ижобий ва ижодий қараш балки бундай ҳолат ўнгланаётганидан далолат бўлар:

### **САХОВАТ – БОЙЛИКНИНГ ХАМИРТУРУШИ**

Дарҳақиқат, азалдан бойлик ҳақида гап кетганда, бойларнинг пули кўплари эмас, балки улар орасида саховатлилари, яъни эҳтиёжманд одамларга қиладиган мурувватлари, хайри эҳсонлари, садақаи жориялари алоҳида эътиборда тутилади. Ана шундай саховатли давлатмандларнинг типик намунаси бўлмиш Ҳотам Тойи ҳақидаги ривоятлар бутун дунё аҳлининг жон-жонига, дил-дилга сингиб кетган,-дея эътироф этиш ҳеч қандай муболағага кирмаса керак. Небахтки, бизнинг давримизда ҳам ана

шундай олижаноб бойларнинг борлиги инсониятнинг ўзига хос капитали, бебаҳо ғазнасидирки, бутун дунё таниган, билган ва эътироф этган ҳамюртимиз Алишер Усмонов ана шундай саховатли бойлардан биридир.

Эҳтимол, бойлик жиҳатидан бу инсон жаҳон миқёсида биринчи ўринда турмас, аммо бир ҳақиқатни рўйи рост айтадиган бўлсак, саховат бобида, айниқса, Ўзбекистон ва Наманган аҳлига ўз ҳимматини аямаслик борасида бу пурҳиммат сиймо биринчи ўринда экани исбот талаб қилмайдиган аксиомадир.

Мен шахсан Алишер Усмоновни кўрган эмасман, бироқ бу машҳур инсон атрофида бўладиган гаплар, шов-шувлар, ҳатто баъзи баҳсли мунозаралар, айрим шахслар билан унинг ўртасидаги зиддиятли мунозаралар кўпчилик унинг хайрихоҳлари, муҳлислари ва яқинлари қатори мени ҳам бефарқ қолдирмаслиги табиий ҳол. Негаки, у биз ўзбеклар, айниқса наманганликлар учун ҳамюрт, ҳамшаҳар сифатида ҳам алоҳида кадрлидир. Таассуфланарли жойи шундаки, яқин-яқинларгача шу инсон ҳақидаги фикрлар бамисоли тумандай хира эканлиги ҳам айни ҳақиқат. Қачонки, бундан тўрт йиллар олдин бошланиб, янги сиёсий иқлимга асос солган том маънодаги ЯНГИ ДАВР жуда кўп туманли фикрларни тарқатиб юборгани янглиғ, Алишер Усмонов шахсияти тўғрисидаги мулоҳазаларга ҳам аниқлик киритди, яъни у билан мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимиз ўртасида самимий муносабатлар ўрнатилишига асос солди. Худди шу ўринда мен

ўзим шоҳид бўлган бир тарихий воқеани ақтмасам, кўнглим сира тўлмайди:

Мухтарам Юртбошимиз Шавкат Мирмоновичнинг ўша галги ташрифлари чоғида Тўрақўрғондаги Ибрат мажмуаси атрофидаги хиёбонда мўътабар меҳмонни кутиб олиш жараёнида иштирок этган вилоятимизнинг таниқли зиёлилари, олим ва ижодкорлари қаторида менга ҳам насиб ҳам этганидан ҳали ҳануз фахр. ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошиб юраман. Негаки, очик майдонда ўтган санокли дақиқалик мазкур гурунг ғоят даржада самимий ва дўстона ўтиб, айнан ўша дақиқаларда мухтарам Юртбошимиз ўз ёрдамчилари орқали ҳамюртимиз Алишер Усмонов билан телефонда боғланиб, бизнинг кўз олдимизда ниҳоят даражада самимий мулоқот қилган, Юртбошимизнинг Наманганда эканликларини, бир гуруҳ наманганлик зиёлилар билан гурунг қилаётганликларини айтганларида овози кўтариб қўйилган телефонда Алишер Усмоновнинг овози янада кўтарилганини, унинг янада тўлқинланиб кетганини ўз идрокимиз билан кузатган, ўз қалбимиз билан ҳис этган эдик. Бошқаларни билмадиму, мен ўшанда бир ижодкор сифатида буюк Бобурмирзонинг “Ўз Ерни қўйиб ҳинд сориға юзландим, Ёраб! Нетай не юз қаролиғ бўлди?”, улуғ Ибратнинг “Гулгун юзингни дилбарим, кўргони келдим соғиниб”, сингари сатрларини саркаш хаёлим кўзгусидан ўтказгандай бўлган эдим. Негаки, Мухтарам Юртбошимиз Алишер Усмоновни бизнинг номимиздан Наманганга таклиф этганларида, Алишер оғанинг овози янада баландлашиб, ўбдон ўқтамлашиб кетганини овози очиб қўйилган

телефондан ҳам якқол илғаш қийин эмасди. Давра аҳли Алишер Усмоновнинг жаннатмакон Ўзбекистон, унинг гулгун бир парчаси бўлган Наманган, айниқса боҳаво Нанай боғлари, унинг таъми Биҳишт боғларида топилмайдиган рангдор олмалари-ю, Наманганнинг мевасидан ширин шеваси ҳақида тўлқинланиб айтган гаплари, болалик хотираларини бағоят ҳаяжон билан сўзлаганига жонли шохид бўлган эдик. Ўшанда мени қуйидаги икки ҳолат ниҳоят даражада тўлқинлантирган, ҳаяжонга солган эди:

Биринчидан, Муҳтарам Юртбошимизнинг ниҳоятда ўринли ва нозик дипломатия билан Нанайдаги боҳаво жойларни халқаро туризм объектларига айлантириш борасида халқаро бизнесменнинг эътиборини қаратишлари бўлса, иккинчидан, Алишер Усмоновнинг худди шу фикрни кутиб тургандай, бу ишга бажонидил бош қўшишини, бу масалага ҳар қанча шахсий улушини қўшишга тайёр эканини чин дилдан изҳор этгани, она-Наманган учун ҳеч нарсани аямаслигини эътироф қилгани бўлди. Энг муҳими, ҳар икки улуғ сиймолардаги Ватан, унга сидқидил муҳаббат, унинг ободлиги, янада гуллаб-яшнаши тўғрисидаги муштарак туйғулари ҳар қанча таҳсинга, эътиборга, олқишга сазовордир. Орадан кўп ўтмай, дунё таниган давлатманд юртдошимиз Нанай ободончилиги, шунингдек, “Обод марказ” Давлат Дастури ижроси доирасида 50 миллион доллар маблағ йўналтиргани бутун оммани қувонтиргани, бу маблағлар самараси ўлароқ юқорида тилга олинган Дастур ижроси доирасида кўз илғамас, ақл бовар қилмас оламшумул бунёдкорликлар амалга

оирилгани катта шов-шувларга сабаб бўлган, ҳатто қўшни Андижон вилояти ҳокими, сенатор Шухрат Абдурахмонов ўз йиғилишларининг бирида Наманганлик алигарх Алишер Усмонов ҳиммати ҳақида тўлқинланиб гапирган эди.

Бу орада олиҳиммат ҳамюртимиз пандемияни бартараф этиш масаласига 20 миллион, Сирдарёдаги тошқин оқибатларини тугатишга 10 миллион, Қозоғистондаги сув тошқинида зарар кўрганларга 5 миллион АҚШ доллари ажратгани ҳам худди оғир жароҳатга қўйилган ноёб малҳамдай асқотгани бутун халқимизга аён ҳақиқатдир. Худди шу ўринда алоҳида таъкидлагим келадикки, бу каби дўстона муносабатлар, Алишер Усмоновнинг бу борадаги тарихий хизматлари учунунга Президентимиз Фармони билан бултур “Дўстлик” ордени берилгани ҳам бежиз эмаслиги, ниҳоятда муносиб ва ўринли эканидан, мамлакатимизда фидойи меҳнатларга муносиб рағбатлар даври бошланганидан ҳам яққол далолатдир.

Мамлакатимиз раҳбарининг саъи ҳаракатлари билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қисмини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан беғараз кўмаклашилиши билан бир қаторда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига асос солиниши нафақат юртдошларимиз, балки кенг миқёсдаги ўзига тўқ, моддий жиҳатдан бақувват фуқароларни ҳимматини ғовлатиб юборди,- десам айни ҳақиқатни айтган бўламан. Эътиборли томони шундаки, “Оқилга ишорат”,-деганларидек, худди шу масалада ҳам пурҳиммат юртдошимиз Алишер Усмонов олижаноб саховатини

дариф тутмасдан, Ўзининг киндик қони томган Наманган шаҳри аҳолисидан 3 минг, болалик йиллари истиқомат қилган Чуст тумани аҳолисидан 1 минг, шунингдек қўшни Наманган тумани аҳолисидан 1 минг эҳтиёжманд фуқаронинг ҳар бирига 2,5 миллион сўмдан хайрия маблағлари йўллагани айна Хайит тантаналари бўсағасида унга сазовар бўлганларга кўтаринки кайфият бағишладики, бу қувонч, бу мамнунлик туйғуси ифодасига тил лол, қалам ожиз.

-Бешта норасида гўдак билан турмуш ўртоғимдан айрилиб, турмушга берган қизимни хайит йўқловига бошим қотиб турганди,-дейди хайрияни қабул қилиб оларкан Наманган шаҳри Давлотовод ҳудудида яшовчи эҳтиёжманд оила бекаси Мамлакат Иброҳимова,- Алишер Усмонов томонидан жўнатилган бу беғараз мадад муаммойимга жўяли ечим бўлди.

- Икки ногирон фарзанд билан бироз қийналиб турувдим,- дейди шу ҳудудда истиқомат қилувчи яна бир ёлғиз она Диана Раҳимова,- бу мадад худди елкамдаги тоғни ағдариб ташлагандай бўлди. Бу каби дил изҳорларини ҳар бир тақдирланган фуқародан эшитиш нечоғли ёқимли эканини ҳис этган ҳис этади. Худди шу ҳолат ифодасига сўз излаб, ташбеҳ қидириш асносида олийҳиммат юртдошимизнинг исмдоши, буюк бобокалонимиз, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрлари беихтиёр хотирада жонланганидан кўнглим Қуёшдай чарақлаб кетди:

Кимки бир кўнгли бузукни хотирин шод айламиш,

Онча борки, Каъба вайрон бўлса обод айламиш.



Ҳа, дарҳақиқат, бундай ҳиммат, Кундай саҳоват соҳибининг саъи ҳаракатлари билан қанчадан қанча кўнгиллар шод, ғамлар барбод бўлдики, бунинг самараси эса, бойликка бойлик кўшилишида намоён бўлишига заррача шубҳа йўқ. Чунки ҳамирни ҳамиртуруш кўптирганидай, саҳоват ҳимматнинг ҳамиртуруши эканлиги тажрибада жуда кўп синовдан ўтган. Бу эса ҳар қандай ижодкорга битмас-туганмас илҳом бахш этиши табиий. Қуйидаги шеър ҳам ана шу илҳом самарасидир:

### **И К К И Б У Ю К С И Й М О - И К К И А Л И Ш Е Р**

Шундай буюклар бор  
Бу олам аро,  
Номин айтилса бас, керак эмас шарҳ.  
Икки Алишерни билади дунё,  
Бири-улуғ шоир,  
Бири-алигарх.

Биринчиси бўлиб назм даҳоси,  
Шеърят Қуёши номини олди.  
Иккинчиси моддий бойлик пешвоси,  
Энг бой ўзбек бўлиб тарихда қолди.

Улар қанча довруқ солиб юрибди,  
Гувоҳ юксак Само,  
Гувоҳ чексиз Ер.  
Юрт шаънини баланд олиб юрибди,

Икки буюк сиймо-

Икки Алишер!

Ўзинг доячисан,

Жонажон Ватан,

Шоир ўғлинг билан айла ифтихор!

Сен ҳам фахрлан,

Эй, она-Наманган,

Сенинг ҳам атанган Алишеринг бор!

Навоий бобом!-деб бутун дунёда

Қанчалик жар солсам тик бошим билан

Ғурурдан шу қадар,

Бошим самода

У билан исмдош юртдошим билан!

Боиси бор бунинг:

Айрим сайтларда

Танбехдан дилда кўп доғлар ҳам бўлган.

Наманган талотўп бўлган пайтларда

Тилимиз қисилган чоғлар ҳам бўлган.

Рост-да, уч-тўрт ғаним учун бус-бутун

Гул шаҳрим ёмон от олмас, оғайни!

Ноҳақ бу!

Бағрида тўнғиз бор учун

Лаънатлаб бўлмагай ҳатто тўқайни.

Наманган!-деганда ушбу кун Сизни  
Ўйлайман, яйрайман,  
Алишер оға!  
Шеър этиб,  
Кенг ёйиб доврўгингизни  
Айлашга тайёрман жоним садоға?!

Аслида туганмас мавзу Сиз ҳақда,  
Икки зўр обида  
Йўқдир лоф ери:  
“Дилбар” деб аталган энг қиммат яхта,  
Ва“Бурхон” аталган ҳаво лайнери.  
Яна бир гап:  
Эрни эр қилган хотин,  
Бошқани билмадим,  
Ўзбек шундай дер.  
Шул эваз, менимча,  
Асли Сиз учун  
Энг катта бойлик бу-Ирина Виннер.

Дунёда бойлар кўп,  
Мулки беҳисоб,  
Уларнинг бировга бир чақаси йўқ.  
Бу гап ҳам бор гапдир,  
Асло эмас лоф:  
Саховат бобида сиздақаси йўқ!

Сиз учун ҳамиша тилим дуода,  
Сўнмасин Сиздаги машъаллик аҳди.  
Тоабад сизга ёр бўлсин дунёда  
Биринчи ўзбек бой бўлишлик бахти!

Қисқча якуний мулоҳаза қилганда, бутун Ўзбекистон, унинг олдинги сафларида Наманган дунёга бўйломқда. Сафаринг беҳатар, йўлинг бундан-да нурли бўлсин, жонажон юртим, онажон халқим!

**УЧИНЧИ БЎЛИМ.  
НАМАНҒАНГА ШЕЪРИЙ САЁХАТ**

**ҒАЗНАИ НАМАНҒОНИМ**

Хизир назар этган жой  
Гуллаган гул шаҳримсан.  
Рамзи кўрк-рамзи чирой  
Ифтихорим-фаҳримсан.  
Жаҳон ичра жаҳоним  
Маскани жонажоним.  
Оламда йўқ бўстоним-  
Ғазнаи Намангоним!

Сайр этиб кенг жаҳонни  
Кездим ер-осмонни,  
Лек кўрмадим сенингдек  
Булбули кўп ошённи.  
Боғи булбулистоним  
Аҳли чин ғазалхоним,  
Ери жаннатсимоним  
Ғазнаи Намангоним!

Отам шу юртда ўтган,  
Шу юртда ётар онам.  
Шукр этардим манзур бир  
Боланг бўлолсам мен ҳам.

Ўзингсан обрў-шоним  
Менинг бурро забоним  
Волидам, отажоним  
Ғазнаи Намангоним!

Бағринг илоҳий маскан,  
Кони сир, кони маҳзан.  
Шул эваз шоҳ Машрабинг  
Ғапирган туғилмасдан.  
Эй, эли покдомоним  
Покният, пок иймоним  
Поклик оққан уммоним  
Ғазнаи Намангоним!

Обод гулгун диёрга  
Кўзгу бўлиб қолурсан.  
Яна аҳли ашъорга  
Ўтли илҳом солурсан.  
Эй, сайқали жаҳоним  
Қутлуғ Зиёафшоним  
Мангу қадри осмоним-  
Ғазнаи Намангоним!

Г У Л Ш А Ҳ Р И Т А Р А Н Н У М И

Гулга ўралган чаманим,  
Боғлари бўстон-  
Гул шаҳри Намангон,  
Яйраганим,  
Яшнаганим  
Таърифи дoston-  
Гул шаҳри Намангон.  
Олмалари олди амал,  
Яшнади ял-ял,  
Теграси бахмал,  
Тунлари ҳам  
Кундузидай  
Бўлди чароғон  
Гул шаҳри Намангон.  
Сувлари замзамлиги чун  
Нонлари ширмон,  
Ризқи фаровон  
Асли Намангон эмас ул,  
Асли Намаккон  
Гул шаҳри Намангон.  
Қизларининг тиллари бол,  
Лафзи асалдир,  
Лаблари лаълдир,  
Мисли Зулайҳо каби ҳар  
Ҳофизи хушхон

Гул шаҳри Намангон.

Мустақил, озод Ватаним

Ҳар жойи обод

Шундан элим шод,

Лекин аён кўрки жаҳон,

Нақ боғи Ризвон-

Гул шаҳри Намангон.

Машрабу, Усмону, Ҳабиб

Нури - Зиёси

Акси-садоси,

Тоза насл, насли асл

Аҳли ғазалхон

Гул шаҳри Намангон.

## **НАМАНГАН ВА НАМАНГАНЛИКЛАР**

Яратганнинг куч-мадорига

Тан бермаган гумроҳлар учун

У дунёда жаннат бориға

Ишонмаган шаккоклар учун

Ҳайрат ичра қолсин, -дея лол,

Кўзин очсин, деб аҳли Гумроҳ

Бўлсин, -дея жаннатга тимсол

Наманганни яратмиш Аллоҳ.



Ўйланг, ахир

Бахш этса ҳузур

Райҳон ҳиди анқиб ҳаводан,

Дилга солса Илоҳий сурур

Қаери кам ўша маъводан?!

Тоғларга сув борар,- деб ҳарчанд

Тортишганлар асли ноҳақдир.

Наманганликлар

Тоққа монанд

Адирларни боғ этган ҳалқдир.

Шу туфайли атрофи бўстон-

Чаман яшнарсўлу соғида.

Худо азиз этган бу ошён

Ўхшар,-дерлар Беҳишт боғига.

Лайлак-оқлик рамзи,

Бу қушлар

Қишда жануб ёқларга учмиш.

Наманганни кўрган оққушлар

Мангу кета олмас ёзу қиш.

Ҳатто мафтун Қуёш

Тез дийдор

Кўришсам, - деб

Бағрин ёқармиш.

Тонгда чиққан заҳоти илк бор

Наманганга кулиб боқармиш.

Ҳар гўшаси ўзга бир олам

Кўрсанг дилда қолмайди қайғу.

Косонсойни бир кўрган одам

Ялтани ҳеч қилмайди орзу.

Бунда ҳар бир эркак-

Битта тоғ,

Гарчанд мўмин-

Қобилдир кўпи.

Белида бор доимо белбоғ,

Бошида бор ҳамиша дўппи.

Хизрсифат мўйсафидлари

Лафзи билан улашади қанд.

Латофатга бой аёллари

Жаннатдаги ҳурларга монанд

Қизларининг тилида лаззат,

Пинхонлигин билар билганлар

Унинг дилдан туяди,

Фақат

Наманганга куёв бўлганлар.

Йўл четида мажнунтоллари  
Ўлтиради сурганча ҳаёл.  
Мисоли бу Ернинг чоллари  
Ўз юртига боқар мафтун, лол.

Бу ошённинг чинорлари ҳам  
Боғбонга ўхшаб кетади:  
Мисоли сертакаллуф одам  
Қучоқ очиб меҳмон кутади.

Бу жой ахлин эл орасида  
Маконини сўраш шарт эмас:  
Наманганлик ўз шевасида  
“Мутти-мутти”, - деб сўзласа бас.

Иқтидорли,  
Ўқувли одам,  
Эгалласа бўлар санъатни.  
Ўхшатолмас , лек  
Зўр актёр ҳам  
Наманганча мулозаматни.

Ахир, бари эрур санъаткор-  
Иқтидорли талантдир бари.  
Бунинг ажиб омиллари бор,  
Бордир бунинг ажиб сирлари:

Навоийдан кейин шеър тахтин  
Шоҳи бўлган Машраб шундандир.  
Шундан эрур шеърият бахти-  
Усмон Носир - шоири кабир!

Унинг не-не ўғлонлар кенг  
Довруғ ёйган бутун очунда.  
Бир замонлар Олтин водийнинг  
Тахти бўлган Ахсикент шунда.

Турса кимки гоҳ-гоҳ келиб,  
Бобур номли музайян боққа  
Ҳайрат ичра завқ-шавққа тўлиб,  
Рағбат сезар ижод қилмоққа.

Беҳудага Ҳабибахоним  
Хонишлари тошларни ёрмас.  
Беҳудага булбулзабоним-  
Камолҳожим куйлашда хормас.

Ким олмоқчи бўлса гар билиб,  
Афсонанинг ростакамини  
Таклиф этинг, кўрсин бир келиб,  
Наманганнинг гул байрамини.

Рост, илонсиз бўлмас хеч денгиз,  
Қай бўстонда йўқдир хору ҳас?  
Бундан чиққан уч-тўрт ғаламис  
Наманган-чун тимсол бўлолмас!

Ҳамон бунда диёнат сайқал,  
Бунда ҳамон эркиндир виждон.  
Шу боисдан хар кун беш маҳал  
Масжидларда янграйди азон.

Ҳар юракда яратиш ҳисси,  
Ҳар тилакда ёрқин келажак  
Буюк юртнинг буюк бир қисми  
Наманганда яратилажак!

## **НАМАНГАН, АДИБЛАР ХИЁБОНИДА**

Наманган шаҳрининг нақ марказида  
Муҳташам адиблар хиёбони бор.  
Улуғ сўз пирларин қоқ ўртасида  
Бобораҳим Машраб турар пурвиқор.

Бир вақтлар қўл силтаб Наманганга у  
Девона ҳолида кетганди дайдиб.  
Гўё ўртаб соғинч аталмиш туйғу,  
Наманган бағрига келмиш у қайтиб.

Эгнида жулдурмас, Янги зар чопон,  
Қўлдаги асо ҳам оддиймас, Ирғай  
Мисли эрк аталмиш меъмори замон  
Тахт ясаб Машрабни кўтармиш шоҳдай.

Ўнгдаги чол – Нодим,  
У мисли шоҳнинг  
Ўнг қўл – бош вазири,  
Соҳиби фатво.  
Ёнида Хилватий  
Яъни Аллоҳнинг  
Яна бир суйгани –  
Шоири мулло.

Қаторда кўр тўкиб турган Исҳоқхон  
Ибрат ҳам шод эрур юзларида нур.  
Гўё у жамики аҳли қатағон  
Номидан ҳурликка айтар ташаккур.

Вазир Сўфизода ўй сурар маънос,  
Сўз ожиз  
Кўзлари сочган маънига...  
Эҳтимол,  
Ўртаниб чекади афсус  
Шу озод замонни кўрмаганига.

Бу – Рафиқ Мўмин,  
Зўр шоири даврон,  
“Қапчиғай” достонин қўйган қотириб.  
Суймаса ҳам уни ўша тунд замон,  
Ўтган шеър бобида дадил от суриб.  
Бошда Чуст дўппили Чустий домла бу –  
Ғазалда Машрабдан кейинги ошиқ,  
Барча шеър – ғазали қўшиқ бўлгану  
Бир мундарижаси бўлмаган қўшиқ...

Манов Усмон Носир – давр қурбони,  
Уни ҳам маҳв этган замони қаттол.  
У ёзиб қолдирган  
Ҳар шеър,  
Достони  
Дилларни ёндирар ҳамон чўғ мисол.

Болалар шоири Зафар Диёрга  
Десак минг арзийди:  
Ҳамон ҳаётсиз!  
Чунки  
У қолдириб кетган ашъорга  
Дил берган ҳар гўдак учар қанотсиз.

Ҳусниддин Шарипов ҳикматга тўла  
Шеърга бой,

Назмда роман ҳам битган.  
У бир банд шеър –  
“Балиқ фалсафаси”ла  
Номин мангуликка нақш этиб кетган.

Бу – Ҳабиб Саъдулла,  
Асл шеърпаараст,  
Истиклол даврининг оташзабони.  
Кўчасидан жонон ўтиб турса бас  
Ғазалга айланар эди туғёни.

Бугун яшнаб ётган кўркам бу маскан  
Бир вақтлар портлаган тоққа ўхшарди.  
Яқинда ҳам гуллар шаҳри Наманган  
Гўёки булбулсиз боққа ўхшарди.

Мана шу хиёбон,  
Теграси бўстон  
Битди-ки, эл кезиб,  
Яйраб юрибди.  
Наздимда ўн битта булбули хушхон  
Хиёбон бағрида сайраб турибди.

Кезиб мен қутлуғ бу жойни  
Боҳавас,  
Қалбимда очилди яна битта сир:



Шоирлар –  
Шунчаки булбуллар эмас,  
Шоирлар мангулик тимсолларидир.

### **Ч У С Т И М М Е Н И Н Г**

(Чустнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон

Халқ Артисти Мирза Азизов тилидан)

Менинг қутлуғ бешигим - жонажон Чустим менинг,  
Болалигим, ёшлигим навқирон Чустим менинг.  
Мавлоно-ю, Набихон Чустийларнинг Ватани,  
Менга ҳам ота макон – онажон Чустим менинг,  
Шакаргуфтор, шакарлаб, нуктадон Чустим менинг!

Момолар тимсолида Ойдай момомни кўргум,  
Боболар тимсолида бойдай бобомни кўргум.  
Наинки момом, бобом, бутун оламини кўргум,  
Менинг тенгсиз олашим – кенг жаҳон Чустим менинг!  
Хуснда Қуёш, Ойим, қаҳкашон Чустим менинг!

Бибиона булоғин сувлари замзам ахир,  
Говасойнинг ҳар ёғи жаннатдай кўркама ахир.  
Олмосинг парилари ҳур ахир, санам, ахир  
Ўзимдан ҳам рашк қилгум, эй жонон Чустим менинг,  
Янги келинчаклардай навжувон Чустим менинг!

Азиз Абдурахмон афф ёди бизни қўллагай,  
Улуғ, Сўфизодалар зоти бизни қўллагай.  
Камарсада паловин тотти бизни қўллагай,  
Эй, сен, эли покдомон, покиёмон Чустим менинг,  
Мавлоно боғларидай сермеҳмон Чустим менинг!

Чуст нокини емаган меванг тоттини билмас,  
“Биё-биё”,- демаган шеванг тоттини билмас.  
Гўдагини севмаган бачанг тоттини билмас  
Эртасидан шодумон болажон Чустим менинг,  
Боласин подшо билган қақажон Чустим менинг!

“Маноқиб”инг лол айлар ҳар қандайин оқилни,  
Ҳалимжон чалган найлар ром этмаган қай дилни?  
Боксёр ўғлингнинг мушти қулатади нақ филни,  
Муроджон тимсолида чемпион Чустим менинг,  
Кураги Ерга тегмас паҳлавон Чустим менинг!

Эргаш Йўлдошев деган ҳофизинг ёдга солсам,  
Қанийди “Айлаб келинг” қўшиғин айта олсам.  
“Баҳор” қизлари рақсда жўр бўлса яйрар танам,  
Мисоли машшоқ отам-Мамажон Чустим менинг,  
Серилҳому, серзавқ, серҳаяжон Чустим менинг!

Вилоятга қўш ҳоким чиқарганинг ким билмас,  
Ҳар ишда илғорлигинг, айтгил, ким ҳавас қилмас?  
Мўйсафид бўлсанг ҳамки асло қадди букилмас.  
Эй, туманлар ичра энг навқирон Чустим менинг,  
Ёшлари ҳам бўлғуси “каттакон” Чустим менинг!

Икки тилда сўзлашар якдил элим, омон бўл,  
Забони тожик ҳамда ўзбек тилим, омон бўл.  
Матлуба-ю, Тожибар – қўш булбулим, омон бўл,  
Мирзангдайин Азиз бўл, нуктадон Чустим менинг,  
Тоабат Зиёга тўл, бўл осмон, Чустим менинг!!!

### **Қ Ў М С А Ш**

Ёшим ўтиб борса-да, ҳамон

Онам дуосини қўмсарман.

Юрагимда ўтли ҳаяжон

Отам ризосини қўмсарман.

Тушкунликка тушган паллалар,

Қониктирмай қўшиқ, яллалар,

Момоларим айтган аллалар

Сирли дунёсини қўмсарман.

Эслаганда ариб чарчоғим,

Ҳамиша чоғ бўлиб димоғим,

Болалигим ўтган қишлоғим

Меҳригиёсини қўмсарман.

Қизиқтирмай қоши қаламлар,  
Юрагимни ўртаб аламлар,  
Илк севганим – гўзал санамлар  
Ичра танҳосини қўмсарман.

Кайфиятим бўлганда хазин,  
Очиб хаёл саҳифаларин,  
Афандининг латифаларин  
Завқу сафосини қўмсарман.

Келсам,- дея хуморим ёзиб,  
Юрганимда боғларни кезиб,  
Қарға, қузғун, зоғлардан безиб  
Булбул навосини қўмсарман.

Умрим тугаб, топсам-да завол,  
Етиб сўнгги манзилга хушҳол,  
Жаннатда ҳам, Зиё, эҳтимол  
Юртим сабосини қўмсарман...

**ШОИРЛАР ҚОШИДА ЗАМОН ЎТКИНЧИ**  
(туркум)

**1. МАШРАБ АҚИДАСИ**

Уйқуда Ҳам кўксим уйғокдир,  
Мени Худо бедор яратган.  
Дийдорига кўзим муштоқдир,  
Васлига интизор яратган.

Ором қани - ҳаловат қани,  
Роҳат қани - фароғат қани,  
Эвоҳ! Нетай, мендай хастани  
Яратганда бемор яратган.

Қувонсам ё бағрим эзса ғам  
Юзларимда акс этар шу дам.  
Меҳримни ҳам, нафратимни ҳам  
Пинҳон эмас, ошкор яратган.

Ҳамдамим йўқ Ўзидан ортик,  
Ҳеч бир гўзал беролмас ҳордиқ,  
Бир Ўзига барқарор ошиқ -  
Бир Ўзига дўст - ёр яратган.

Фикру ёдим висол, дилрабо  
Нуқул ҳажринг кўргайсан раво,  
Наҳот висол аҳлин жонфидо  
Ҳижрон аҳлин хунхор яратган?!

Дунё деган мулк бозорига,  
Кирган олар қўлда борига,  
Дилда борни Ҳақ дийдорига  
Зор яратган , абгор яратган.

Эй, мол - дунё! -Дўст - ёр тутганим,  
Ўзингсан энг манфур душманим,  
Асли сени мен учун ғаним,  
Мени сенга ағёр яратган.

Роҳи ростни Ҳақ англаб доим,  
Бўлмади ҳеч ўзга даъвойим,  
Охиратим обод, Худойим  
Бахтимни барқарор яратган.

## **2. М А Ш Р А Б О Н А Ў Й**

Бу дунёга бани одам  
Нечун келгай, нечун кетгай,  
Нечунким ул ҳамиша оч  
Юпун келгай, юпун кетгай?  
Келар чоғда тугиб муштин  
Очиқ қўл кетгуси кетса,  
Не важдин дард тўла қалби

Тугун келгай, тугун кетгай?  
Сабабсиз оқибат йўқдир,  
Ҳаёт боқий, лек умримиз  
Тўкин боғ ичра бамисли  
Қуюн келгай, қуюн кетгай.  
Қаердан келдики, қайга  
Бориш асрорини билмас,  
Шу боисданки, ҳар одам  
Забун келгай, забун кетгай.  
Нечун келдинг, Зиё, нечун  
Кетарсан? Бунда не сир бор?  
Қидир, топ! Сен - ла чўнг маъни -  
Фузун келгай, фузун кетгай.

### **3. МАШРАБИЙ ҲАЁЛ**

Мен Ҳаёл қаърига чўмсам  
Кўҳна бу гардуни дун,  
Кўзларим олдига келгай  
Гоҳ безанган, гоҳ юпун.  
Лаҳзада бағрида сонсиз  
Тўй бўлар, сонсиз аза,  
Шул эвазданму само ҳам  
Гоҳ нурафшон, гоҳ тутун.

Олам аҳли кун кечиргай

Ярми озод, ярми кул,

Балки шундан кенг жаҳоннинг

Ярми кундуз, ярми тун.

Не бўлар эртанги кун

Дунёда, - деб кўнглим каби

Кўкда сузгувчи Ҳилол ҳам

Гоҳ яримдир, гоҳ бутун.

Мен ҳаётга не берурман

Не берур менга ҳаёт? -

Деб уриб турган юракнинг

Ярми равшан, ярми хун.

Бас, Зиё, дунёни асли

Бир кам икки, - дейдилар.

Шул эваздан умринг ўтгай

Гоҳи шоду, гоҳ забун.

#### **4. МАШРАБ ТААССУФИ**

Водариф!

Бу қандоқ қисмат, ажабо

Ошиқ бу дилимни англамас ҳеч ким.

Ҳақ мени қилса-ю азиз - авлиё

Бандаси ичида йўқ бўлса қадрим.



Эвоҳ!

Паст касларга бўлиб ҳамқадам

Билганим ғам бўлди,

Сезганим нифоқ

Идрокли одамлар сафида ўссам

Қадрим ҳам бўларди, балким, юксакроқ...

### **5.МАШРАБ ТААЖЖУБИ**

Ажаб! Дунё деган улкан

Иморат сохтадин - сохта,

Ҳаёт ҳам мисли эрмакдин

Иборат сохтадин сохта.

Ётар ҳаттоки эхсоннинг

Тубида манфаатдорлик

Қарангки, пийсабилиллоҳ

Саҳоват сохтадин-сохта.

Ибодат аҳли ҳам, эвоҳ

Ўз илмига амал этмас.

Тили бошқа, дили бошқа

Итоат сохтадин-сохта.

Зиё, дунёни ўзгартмоқ

Умидинг пуч, ул ўзгармас

Бўлар бўлса агар дину

Диёнат сохтадин-сохта.

## 6. МАШРАБ ШУКРОНАСИ

Мени йўқлар кишим борму?

Машраб

Наманганга келар бўлсам,  
Мени йўқлар кишим кўпдир,  
Ярашгай яйрасам кулсам,  
Мени йўқлар кишим кўпдир.  
Ҳама қавму қариндошим,  
Юрар йўлимда йўлдошим,  
Бу ҳолдан кўкдадир бошим  
Мени йўқлар кишим кўпдир.  
Қувонгайман қаён борсам,  
Ўраб олгай элим ҳуррам,  
Муяссардир менга олам  
Мени йўқлар кишим кўпдир.  
Қучоқ очгай гул ошеним,  
Йўк энди дилда армоним,  
Мудом ортмоқдадир шоним  
Мени йўқлар кишим кўпдир.  
Демасман ўзни гумроҳман,  
Ҳама ишлардан огоҳман,  
Девонайдим бугун шоҳман  
Мени йўқлар кишим кўпдир.  
Аналҳақ Машрабу Мансур,  
Десак арзир баланд, мағрур:  
Менга эл, элга мен манзур  
Мени йўқлар кишим кўпдир.

## 7. МАШРАБ АБАДИЯТИ

Эй, дўст!

Ғанимат бил,

Ҳар он ўткинчи,

Қувонч ғаниматдир,

Армон ўткинчи,

Мартабангга мағрур бўлиб,

Гердайма,

Беш-ўн кунлик давру

Даврон ўткинчи.

Кимлигинг фарқига

Етмас бу ҳаёт,

Наслу зотинг

Писанд

Этмас бу ҳаёт,

Фармонларга қулоқ

Тутмас бу ҳаёт,

Билгил, девона-ю

Султон ўткинчи,

Оқил эсанг,

Сенга

Айлай башорат:

Дилларга меҳрдан

Қурсанг иморат,  
Ҳақдан сенга бўлғай  
Мангу шафоат  
Шаънингга фитна-ю-  
Бўхтон ўткинчи.

Улуғвор ишларга  
Пешво бўлган зот,  
Довруғин ҳеч бир куч  
Этолмас барбод,  
Буюк Темур номи  
Бу гапга исбот  
Улуғлар бошида  
Сурон Ўткинчи.

Чин ошиқсан  
Агар  
Сабр этгайсан,  
Висол онларини  
Интиқ кутгайсан:  
Ул Ёр висолига  
Албат етгайсан,  
Ушбу кунги синов -  
Ҳижрон Ўткинчи.

Машрабни қувганлар  
Қайда ушбу он,  
Улар ўтиб кетди  
Қуюнларсимон,  
Лекин, Зиё, Мангу  
Шоҳ Машраб омон  
Шоирлар қошида  
Замон Ўткинчи!

**МАВЛОНО НАБИХОН ЧУСТИЙ ТАЪРИФИ**

Сиз аслида кимсиз, Мавлоно Чустий?  
Устози азимсиз, Мавлоно Чустий!  
Биргина мен эмас, бутун халқ суйган  
Соҳиби назмсиз Мавлоно Чустий!

Ҳазрат Навоийдан, Бобур, Машрабдан  
Кейинги қаторда жой олиб сафдан,  
Балким етти пушти Каъба тарафдан  
Ҳижрат қилганимсиз, Мавлоно Чустий?!

Йўқса бу қадарли ҳалимлик қайда?  
Бу хил боодоб, ботаълимлик қайда?!  
Ҳофизи Қуръон, соз назмлик қайда  
Хизирназаримсиз, мавлоно Чустий!

Гўдак чоғларимдан Сизга бериб тан,  
Наинки бериб тан, талпиниб дилдан,  
Суйган ғойибона муридингизман  
Ўзингиз пиримсиз, Мавлоно Чустий!

Наинки пиримсиз, мен кўрган, билган  
Улуғлар сафида пишган-етилган,  
Улардан ҳам кўпроқ омма интилган  
Лафзи шаккаримсиз, мавлоно Чустий!

Ўзидан сўзи соз, сўзидан ўзи,  
Кўзидан юзи соз, юзидан кўзи,  
Гўё бир кўрада бир етим кўзи  
Мисли ўксигимсиз, мавлоно Чустий...

Замон зарбаларин шукур,-деб енгган,  
Ташланган зўрларни узур,-деб енгган,  
Захматлар охири ҳузур,-деб енгган  
Рамзи тоқатимсиз, мавлоно Чустий!

Яшилик бўлса-да асл матлаби,  
Ёвлардан ўртаниб насл-насаби  
Мисоли сўйилган хандалак каби  
Қалби сертилимсиз, мавлоно Чустий...

Кўзимни юмганча гоҳида бир зум,  
Эсласам, йиғлагим келади юм-юм.  
Ҳамонки, нуқсони-айби номаълум  
Сирли маҳзанимсиз, мавлоно Чустий.

Сизнинг шум рақиблар энди қайдадир,  
Сўзи ҳам ўзидай майда-майдадир.  
Сизнинг ҳар сўзингиз тимсоли кадр  
Тинмас даҳанимсиз, мавлоно Чустий!

Арузий чаманда ястанаётган,  
Ғазалзор бағрида зап яшнаётган,  
Шеърлари қаъридан кўз ташлаётган  
Гулзор-чаманимсиз, мавлоно Чустий!

Сиз-қўшиқ, сиз-ғазал, сиз куй-сиз наво,  
Сиз жаннат бағридан эсгувчи сабо.  
Безавол Куёшдай порловчи Зиё  
Эъзоз топганимсиз, мавлоно Чустий!

**ҲАБИБ САЪДУЛЛА ЁДНОМАСИ**

**(ТУРКУМ)**

**1. МАРТАБА**

**(Устоз Ҳабиб Саъдуллага мансабдан кетганда  
бағишланган шеър)**

Айтиб қўяй келганда пайти  
Бу ҳолатдан ҳеч бўлманг хафа...  
Шоирларда мансаб бўлмайди  
Бўлгай Худо берган мартаба.

Дилда илҳом жўшиб турса бас,  
Бу гап қуруқ гапмас самовий:  
Кенг оламини мансаб биланмас  
Ашъор билан олган Навоий!

**2. УСТОЗИМНИ ХОТИРЛАБ...**

**Магар бу дард ёмон келди  
Ўлиш йўдир, ўлиш йўқ.**

**Ҳабиб Саъдулла.**

Хаёлимда ўйчан термулиб,  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.  
-Ўлиш йўқ,- деб айтганин қилиб,  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Дунёга у баҳорда келиб,  
Кетди баҳор елидай елиб.



Лек баҳордай яшнаб – очилиб  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Ҳаёт борки, ўлим унга эш,  
Ўтар ағёр, ўтар дўсту-хеш,  
Мангуликка йўл олган дарвеш-  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Унга ҳам тош отар эдилар,  
Эҳ! Уни ҳам сотар эдилар.  
Ўлди ўша “айтди-деди”лар  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Икки кўзи теран ва сара,  
Гоҳ дили шод, гоҳ дили яра,  
Қўлларида тутаб сигара  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Элнинг эрка фарзанди бўлиб,  
Давраларда кулдириб, кулиб,  
Наманганлик Афанди бўлиб  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Фарзандларин армонларида,  
Сурган даври давронларида,  
Шеърятнинг осмонларида  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Қанча даври-давронлар ўтса,  
Йиллар ўтса, замонлар ўтса  
Кўчасидан жононлар ўтса  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Бамисоли булбулигўё-  
Камолиддин янгротса наво  
Кўшиқлари ичра номи жо  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Юртнинг порлоқ эртасин ўйлаб,  
Истиқлолнинг мадҳини куйлаб,  
Ўзи севган гул шаҳри бўйлаб  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Инсонларнинг соҳибжамоли  
Туғма арбоб, туғма зиёли,  
Комилликнинг ёрин тимсоли-  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Қалби-уммон,  
Сухбати жонон,  
Теграсида очилдастурхон  
Меҳмоннавоз-Ҳотамтой мезбон-  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Сухбатларнинг ширин тотида,  
Пайдо бўлиб илҳом отида,  
Шогирдларин камолотида  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

Ким келиб, ким кетаверади.  
Ҳаёт давом этаверади.  
Шоирлар шеър битаверади  
Яшайверар Ҳабиб Саъдулла.

### **3. А Р Д О Қ**

Қабристон...  
Марҳумлар ухлар осуда...  
Эҳ! Айрим қабрлар тулаб ётибди.  
Ҳабиб Саъдулланинг қабри устида  
Гуллар чаппар уриб гуллаб ётибди.

Бошда волидаси,  
Пойида ўғил.  
Қаранг, шу жойда ҳам эгиз, гиргиттон.  
Шоирнинг қабрида яшнаб ётган гул  
Талпиниб турибди онаси томон.

Тиловат қиламан  
Қилгандай нола,  
Кўксимга жаннатий бир насим тўлар.

Гўё етаклашиб она ва бола.

Жаннат боғларида юргандай бўлар.

Ажаб у баҳорда кўз очган эди,

Илк баҳор кунида юмган эди кўз.

Шеърларида баҳор юз очган эди,

Ҳамон қабрини тарк этмайди наврўз!

Бу ҳол қай юракка солмас зилзила,

Бундай ўлим кимда уйғотмас ҳавас?!

Устоз!

Гулга тўлган қабрингиз силаб,

Дилимдан отилар шундай унсиз сас:

Қолдирсанг ортингда чаманзор йўллар,

Мангу рамзи ардоқ бўлиб қололсанг.

Тирикликда бағринг тўлдирса гуллар,

Ўлганда ҳам шундоқ бўлиб қололсанг...

#### **4. ЗАМОНА МАШРАБИ ЭРДИ**

Ҳабиб исмига мос бу зот,

Чинакам дўст – Ҳабиб эрди,

Тили бурро, сўзи новвот

Асл шоир, адиб эрди.

Ўзи одил, сўзи ҳақсўз,

Кўзи - қўш кўзгу - теран кўз,

Ҳамиша яхшиларга дўст,  
Ёмонларга рақиб эрди.  
Элин дарди била пурғам,  
Қувонса эл қилар байрам,  
Ки дардманга сўзи малҳам  
Мисоли аҳли тиб эрди.  
Ажаб кенг феъл, дили дарё,  
Сочарди топса гар дунё,  
Саҳоватда Ҳотам, аммо  
Ўзимиздай ғариб эрди.  
Назмнинг ашрафи эрди,  
Кўнгиллар матлаби эрди  
Замона Машраби эрди –  
Ажиблардан ажиб эрди.  
Адолат бор экан, унвон,  
Мукофотлар насиб этмиш,  
“Тазарру” бирла гул шаҳрин  
Балодан қутқариб эрди.  
Баҳорда келди ва кетди,  
Топиб кетди ки раҳматли:  
Умр бўйи бу дунёда  
Зиёни ахтариб эрди.

**ҲОФИЗЛАРГА ЎЛИМ БЎЛМАЙДИ**

Камолиддин Раҳимов ёди...

Камолиддин, деб қўймишлар от,  
Исми жисмига мос сиздай зот.  
Ўйлаб етолмасман ўйимга  
Шундай сиймо ҳам ўлса, наҳот?!

Йўқ! Мутлақо кўнглим тўлмайди,  
Ҳаёт боқий гул, у сўлмайди.  
Муҳаббат, эл, юртни куйлаган  
Ҳофизларга ўлим бўлмайди.

Сиздай ҳофиз бўлолмас ҳеч ким,  
Ўрнингизни ололмас ҳеч ким.  
Ўхшатса ҳам қўшиқларингиз,  
Торни сиздай чалолмас ҳеч ким.

Камолиддин бўлиб қолгансиз,  
Сози жўшқин бўлиб қолгансиз.  
Қўшиқ осмонида энг юксак  
Учган лочин бўлиб қолгансиз.

Куйларингиз ёқмас қай дилга,  
Яқинсиз ҳар шайдо кўнгилга.  
Қўшиқ бўлиб абадий Зиё  
Сочажаксиз миллатга, элга.

**НАМАНҒАНЛИК НОЗАНИН ҚИЗ**

(Юсуф Шомансурга эргашиб...)

Наманганлик нозанин қиз  
Боғларингда меванг ширин.  
Сўзлашмоққа очсанг оғиз,  
“Мутти-мутти” шеванг ширин.  
Деган саринг ”мутти-мутти”  
Кўнглим эриб кетутти.  
Тишлаб боқсам, меванг ширин,  
Хушлаб боқсам, чеҳранг ширин,  
Барчасидан ҳам жонгинам  
“Мутти-мутти” шеванг ширин.  
Деган саринг “мутти-мутти”,  
Дейман гоҳо: Нима дутти?

Хурилиқо паримисан,  
Гўзаллар сарваримисан?  
Гоҳ сўзларин чақиб олар  
Ёки асаларимисан?  
Деган саринг “мутти-мутти”  
Бағрим ёниб кетутти...

Ишқингда нақ девонаман,  
Вой ёнаман, вой ёнаман!  
Муттигинам, айтгил ўзинг  
Қачон васлингга қонаман?!  
Деган саринг “мутти-мутти”  
Ишқим жўшиб кетутти...

Муттиларинг ёқар бирам,  
Ишваларинг қилар алам.  
“Мутти”латиб олгум сени  
Ич,-десалар ичай қасам...  
Деган саринг “мутти-мутти”  
Меҳрим тошиб кетутти...

### **МУТТИЛАРИНГ ДАН**

Наманганлик эй, санам! Муттиларингдан,  
Ой юзу, қоши қалам муттиларингдан!

Гап сотаман ҳамиша ранжима.вой-вой,  
Яйраса найлай танам муттиларингдан?

Баъзи йигитлар сени йўлга сололмас,  
Дегайман алам-алам муттиларингдан.

Тилинг чучукми ёки шевангму,-десам  
Ийманасан ўзинг ҳам муттиларингдан.

Шевангга шайдо бўлиб муттилатиб зап  
Мазза қиларман бирам муттиларингдан!

Майли хушламасанг ҳам, ёр этмасанг ҳам  
Десанг бас мени акам муттиларингдан!

Меванг ширинки, ширин шеванг ҳам, Зиё  
Ичаман мисли зам-зам муттиларингдан.



ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.  
БИР ЧИМДИМ ТАБАССУМ

ҚУВНОҚ ҚУВОНЧ  
ҚАҲҚАҲАЛАРИ ДЕБОЧА

Биродарлар!

Мен ўшал -

Қувноқ Қувонч бўламан,

Ёзиб қизиқ шеър, ғазал

Ўзим мазза қиламан.

Ёш ўтди, деб ётганда,,

Танилардим қатта ман?

Ўғлимдан сал “ёшман” – у

Отамдан сал “қатта”ман.

Чунки ўғлим қошимга

Келмас

“Шеф”-

Ўсиб кетган.

Отам менинг ёшимга

Етмасдан ўтиб кетган...

Хотиним ҳам,

Қарасам,

Дастёр қилиб оларкан.

Онанг ўтгач,

Завжанг ҳам

Онанг бўлиб қоларкан.

Гап тўқир кўча – куйда  
Дўстлар мисли ўргимчак:  
Дейди:  
Ишда бош,  
Уйда  
Хотинига югурдак.

Нетай?  
Бундай хавфлардан  
Иситмамни совутгум:  
Яъни қизиқ гаплардан  
Айтиб ўзни овутгум.

Бутун  
Элга завқ берган  
Кимса  
Йиғлаб яшайман.  
О! Қадр тилаб юрган  
Девонага ўхшайман.

Кулсам бўлманг ҳеч хуррам,  
Ўз бағримни тиларман -  
Кулиб туриб йиғласам,  
Йиғлаб туриб куларман.

Ҳар бир гапим ҳаётий,  
Ёлғонга ҳеч хушим йўқ.  
Айб изламанг сиёсий,  
Сиёсат – ла ишим йўқ.

Айбим:

Ғожиани ҳам  
Мен юморга йўйолгум.  
Дўстларим бўлса пурғам,  
Бир кулдириб қўйолгум.

Ўзим кулгуда дарға –  
Афандига жуда мос.  
Завқларимни ортарға  
Бир эшшагим йўқ холос.

Ўтдим ёш ўтган сари  
Бир қўл силтаб олишга.  
Дунёнинг гоҳ ишлари  
Арзимади нолишга.

Мени тўғри тушунинг,  
Ҳасратни ҳеч суймайман,  
Ғақат гоҳ у,  
Гоҳ бунинг  
Дардларини куйлайман...

**К Е К С А Г Ё Т Ё Н И Н Г И З Ҳ О Р И**

Худо билар бу азиз бошда  
Не ғавғо бор - не кутар бизни.  
Кекса Гётёе етмиш бир ёшда,  
Севмиш ўн етти ёшли қизни.

Ўзига хос қилиб ноз – карам,  
Шоир ишқин рад айлади қиз.  
Дангал деди:  
Сизни севолмам,  
Сабаб битта -  
Кексалигингиз.

Ахир Гётёе нафақат шоир,  
Асл воиз- сўзамол эди.  
Шу боисдан бамайлихотир,  
Аста ширин лутф этиб деди:

Хавотирга йўқ асло ўрин,  
Бу ҳақда ҳеч қотмагай бошим:  
Алмаштирсам рақамлар ўрнин,  
Тенг бўлади – қолади ёшим...

**ШАҲАРДАГИ ҲАЁТИМ**

Қувноқ Қувонч номим бор

Буни яхши биласиз.

Сирларим этсам ошкор,

Ҳузур қилиб куласиз.

Асли киши сирларин

Очса сири қолмайди.

Лекин баъзи бирларин

Айтмаса ҳеч бўлмайди.

Шу, денг

Хизмат баҳона

Шаҳар сари кеб қолдим.

Гоҳ яшасам қувона,

Гоҳ ранжиб панд еб қолдим.

Қувонишим –

Ишим зўр,

Бу – кулгани иқболим.

Ранжишим –

Мен нодон, ғўр

Обкелмабман аёлим.

Асли – ку тинч кун – тунинг.

Харажат кам бўларкан,

Лек бўлмаса хотининг

Ўзингга зўр келаркан.

Гоҳ дейман:

Ўйнаб – кулиб,

Юрган эдинг қишлоқда.

Қўйганмиди пишириб,

Не бор эди бу ёқда?!

Кунда ишлар қатма – қат,

Тунда мисли беваман:

Ўзим пишириб овқат,

Ўзим кирим юваман.

Тинчим йўқдир бирон дам

Корим эрта – кеч чоп – чоп.

Хотинимни обкелсам,

Иш топилмас унга боп.

Иш ҳам балки топилар,

Келса ишсиз қолмагай,

Лек у неварарвар

Уларсиз туролмагай.

Келишса онда – сонда,

Балки қўмсаб ўлмайди...

Бир хавф борки:

Балконда

Мол – қўй боқиб бўлмайди.

Ишим тикка – ҳўв, юксак -

Мисли учар лочинман.

Ишга борганда эркак,

Уйга келгач – хотинман...

### **К Ҷ Х Н А А Қ И Д А**

Бу эҳтимол кўҳна ақида,

Балки Қувноқ Қувонч нақли – да:

Қабул қилмоқ керак бир қонун

Мажлисларни чеклаш ҳақида...

### **“ Т О Л Е Ъ ”**

Толеимнинг “зўр”лигидан

Шаккар эксам туз бўлур,

Ёзда гар тўй қилсам, эвоҳ!

Ёмғир – у, дўл, муз бўлур..

Кимсалар уй бошласа куз,

Қишга қолмай битгуси ,

Мен баҳорда бошласам уй,

Битмайин уй куз бўлур.

Ўзгалар курса иморат,

Бўлғай, албат, мухташам,

Мен қураб ўлсам ҳамиша

“ Қайта қур,” “буз,буз” бўлур

Кундуз аксар йўлга тушсам,

Турса бўрон , тунлари

На самода балқиган Ой,  
На бирон юлдуз бўлур.  
Дейдилар:”Қилмиш – кидирмиш”  
- Не,- десангиз.- қилмишинг?  
-Не бўларди чорасизни  
Қилмиши “юз – юз” бўлур.  
Балки дерсиз: оилангда  
Борми обрўйинг Қувонч?  
Қайси бахтсизнинг уйинда  
Бундаин нуфуз бўлур?!

### **БУТУН ЙИГИТНИНГ РАЪЙИ**

Яримта не дегани?  
Кўпчиликка эмас сир:  
Яримта – ярим,  
Яъни  
Бутуннинг ярмисидир.  
  
Элда шерикли ишни,  
Ҳазилга йўйишади:  
-Нон яримта бўлди,- деб  
Жилмайиб қўйишади  
  
Менга хос шу қоида,  
Ундан сира тонмасман:  
Бутуни бор жойида  
Яримтага кўнмасман,



Лекин гўзал бир қиз бор  
Чек қўйса - ю шармига,  
Рози бўлса кўнардим  
Ёстиғининг ярмига...

**ДУНЁДА ЭНГ БОЙ КУНИМ**

Мисли дарё, сой куним,  
Оқиб ўтар ой, куним.  
Ойлик маош олган кун-  
Дунёда энг бой куним.

**ҚЎШИҚ**

Шоир ёзар ўйлаб ўй  
Бастакор куй басталар  
Ҳофиз юриб тўйма-тўй  
Сотар-да пул дасталар...

**НОДОН**

Нодон одам на гап уқади,  
На ақлли бир гап суқади.  
Нодон сўзи икки тарафдан  
Ўқисанг ҳам нодон чиқади.

**ДУНЁ МАНЗАРАСИ**

Хориж хабарлари  
Телеэкранда  
Ўйларга ботаман ўйлаган сари.  
Ғайриоддий хайрат уйғотиб танда,  
Икки ҳол хаёлдан ҳеч кетмас нари:

Теракт кетаётир Афғонистонда  
Ошиқ отаётир бир гала афғон.  
Зилзила даҳшатга солган Японда  
Китоб титаётир уч – тўртта япон...

### ДАРОМАД ҲАҚИДА

1.

Ойлик бизлар учун бойлик - да, жўра  
Бойлик билан қозон мойлик - да, жўра.  
Нолир жойимиз йўқ, лекин у – ойлик,  
Номи ўзи билан ойлик - да, жўра.

2.

Қалам ҳақи ҳам шод этиб турибди,  
Келишига қараб кетиб турибди.  
Унинг номин ўзи қалам ҳақи - да,  
Қалам олиш учун етиб турибди.

### ДЕМОКРАТИК ОИЛА ЁХУД ХОТИНИДАН ҚЎРҚМАЙДИГАН ЭР

Уришсак эр-хотин мабодо,  
Ҳеч бир томон зарар кўрмайди.  
Хотинимдан қўрқмайман, аммс  
Хотиним ҳам мендан қўрқмайди...

**“Э Р К А К Л А Р К У Н И”**

- Бу,- дейман,- аёл мавқеъи йилдан йил,  
Ошиб кетаётир қанақа гап бу?  
Уларнинг халқаро куни ҳам тайин,  
Эрларнинг бунақа байрами йўқ – ку!  
-Э, ошна! Оғзингдан гуллайсан нечун?  
Йиғиштир бунақа ахлоқ туйғуни!  
Хотин – қизлар куни атиги бир кун,  
Қолган кунлар эса – эркаклар куни...

**“Т А Р А Қ Қ И Ё Т”**

Ҳайвон эканида на гап – сўз ёйган,  
На бири бошқасин кўзини ўйган.  
Сўнг..  
Шундоқ ҳоллар авж олгач,  
Кейинги  
Маймунлар одамга айланмай қўйган...

**Ғ И Й Б А Т Ч И Г А**

Демам асло:  
Нафратим бор ғийбатчига,  
Аксинча, зўр рағбатим бор ғийбатчига.  
Ғийбат қилса тўкилармиш гуноҳларим,  
Шу боис кўп раҳматим бор ғийбатчига.

**СОБИҚ РАҲБАР “ИМТИЁЗ”И**

Тиним билмай ишлаб –  
Ётмай панада,  
Катта раҳбар бўлгач,  
Жўшдим яна – да.  
Энди – чи?  
Нафақа. ” Имтиёз”им зўр –  
Ётолгум хоҳлаган касалхонада...

**МОҲИЯТ**

Бир кимса бор  
Ўта художўй,  
Ўзича зўр,  
Комил,  
Эзгу ўй.  
Лекин иши юришмас асло,  
Сабаб битта:  
Бу зот- хасадгўй.

**ЗИЛ-ХАЗИЛ.**

Қизлар кўп ораста-  
Барно бўлади,  
Биз- Мажнун.  
Улар-чи?  
Лайло бўлади,  
Лекин бир нарсага етмайда ақлим:  
Ёмон хотин қайдан пайдо бўлади?!

**АЁЛЛАР НИМАГА КАЛ БЎЛИШМАЙДИ**

Турмуш ташвишидан кўнгиллари тўқ,

Ўртаниб юраги ҳал бўлишмайди.

Муҳими:

Уларнинг хотинлари йўқ,

Шу боис аёллар кал бўлишмайди.

**БИР САЙЁҲ ҲИКОЯСИ**

Дунёни сайр этиб сафарда

Турфа – турфа ҳолатни кўрдим.

Мисол учун хитойликларда

Антиқа бир одатни кўрдим:

Пишириб ўнг келган ҳайвонни,

Дастурхонга қўяркан улар,

Ҳатто турқи совуқ илонни

Дастурхонга қўяркан улар.

Биз – чи?

Эҳ! Биз иллат қидириб,

Қуристамитз ўз шўримизни –

Яъни не – не ҳайвонлар туриб,

Еймиз кўпроқ бир – биримизни...

## **МУКОФОТ**

Сумалакни илк кашф этганга бешак  
Нобель мукофотин бермоқлик керак.  
Йўқ, йўқ сумалакка Нобельни эмас,  
Нобельга бермоқлик керак сумалак.

## **НИКОҲ ОҚШОМИДАГИ ҚУТЛОВ**

### **1. КУЁВТЎРАГА**

Куёв тўра!  
Бугунги фараҳли кун муборак,  
Умрингизга қўшилган гўзал мазмун муборак.  
Кечагина боладай ўйнаб юрардингиз шод  
Бугундан елкадаги олахуржун муборак!

### **2. КЕЛИНПОШШАГА**

Келинпошша! Чунон яйраб,  
    Қувончга тўлганинг қутлуғ,  
Ўзингдан тинчи, - деб элдан  
    Дуолар олганинг қутлуғ.  
Ўғил – қизлар туғиб тинмай  
    Яша тўйлар қилиб, мангу  
Куёвнинг хонадонига  
    Бадарға бўлганинг қутлуғ!

**БИР ОЛИМНИНГ ИҚРОРИ**

Кўп ошнам оъми, лек  
Бор пул, мулк, боғи.  
Менда ҳеч вақо йўқ.  
Шу – да чатоғи.  
Дўстлар!  
Бўйнимдаги галстук эмас,  
Бу –  
Менинг илмимнинг сиртмоғи...

**НАҚЛ**

Уни ночор, деб бўлмас зинҳор,  
Абжир,  
Гарчи сал оқсаб юрар.  
Эл ичида шундай нақл бор:  
- Ажинанинг оқсоғи урар.

**ЎХШАТИШ**

Чин ошиққа ўхшар дол қадди  
Рафтори ҳам Мажнун ҳолича,  
Лекин феъли одам бўлмади  
Қолиб кетди маймун ҳолича...

**ТАЪКИД**

Таъкидлаб қўймаган бежизга Эгам:  
Энг сўнгги пайғамбар –

Расули Акрам.  
Мабодо шундоқ йўл тутмаса,  
Ўзни  
Пайғамбар атарди хоҳлаган одам...

### **Т И П**

Бу шундоқ феъли тор-  
Инжиқ бир одам,  
Дунёда ҳеч кимни  
Ёқтирмас ҳеч дам.  
Эҳтимол баъзида  
Ойнага қараб,  
Ёқтирмаса керак  
Ўзни-ўзи ҳам...

### **Т А Ф О В У Т**

Кишнар тепмай туриб отни от,  
Гўнғилламай ари урмас ниш.  
Қўйингки,  
Ҳар қуш ё ҳайвонот  
Индамасдан қилмас бирон иш.  
  
Одамлар чун ушбу ҳолат – ёт.  
Улар зимдан айбинг теради.  
Жонворлардан фарқли  
Одамзот  
Индамай юриб панд беради...



**КЎЧАМИЗДА МИЛИЦИОНЕР**

Форма кийган ўтса,  
Ўша кез  
Ёш эдик – да,  
Чиқар эди тер.  
Пайдо бўла бошларди тез - тез  
Кўчамизда милиционер.

Пичинг қилиб гоҳ унда – бунда,  
Ким “шеф”, -дерди, ким дерди “- мистер”  
Пайдо бўларди гоҳо тунда,  
Кўчамизда милиционер.  
Якун топди бу иш зафар – ла  
Шу кун жўшди ҳар йигит,  
Ҳар эр.  
Пайдо бўлди куёвнавкар – ла  
Кўчамизда милиционер.

Бўйдоқ экан,  
Бир қизни олди-  
Гўзал қизга бўлди гўзал эр.  
Бир умрга боғланиб қолди,  
Кўчамизда милиционер.

### САМОЛЁТДА

Самолётда учган одам вақт йўқотмайди,  
Афсус унинг чиптасини арзон сотмайди.  
Қиммат бўлса ҳам барибир самолёт афзал,  
Чунки йўлда уни ҳеч вақт ДАН тўхтатмайди.

### ТЕЛЕФОНДА

Қўл телефон жиринглади, у олди дарҳол,  
Тўмтоққина гап бошлади келгандай малол:

-Э, бошимни кўп қотирма, бўпти, бас!- деди  
Телефонда гап сўраган хотини эди.

Бир зумдан сўнг жиринглади яна телефон,  
-Лаббай, жоним,-деди бу гал у шоду хандон-.

-Бўпти, бўпти, бажарамиз, ҳеч чекманг қайғу,  
Нима дердик, нима дердик? Не десангиз шу!

Илтифот зўр, мулоқот ҳам бамаъни эди,  
Чунки бу гал телефонда жазмани эди.

### САБОҚ

Аё банда! Ўз жисмингдан ола бил сабоқ,  
Боқ, беҳуда аъзоларинг эмас жуфту – тоқ.  
Бу дегани жуфтларини кўп ишлатсанг ҳам  
Тоқларини имкон қадар ишлатгин камроқ...

**КУЛИБ ЮРГАНГА ЕТМАЙДИ**

Ҳаёт – зебо, унга шайдо

Бўлиб юрганга етмайди,

Бўлиб шайдо қувонч пайдо

Қилиб юрганга етмайди.

Эл ичра шундайин гап бор:

Дилозордан Худо безор,

Бўлиб оламда беозор

Кулиб юрганга етмайди.

Ким у носоғ у ғамга ғарқ,

Ки соғлар шодон ургай барқ,

Кулиб, диллар аро завқ – шавқ

Солиб юрганга етмайди.

Нажоизки сочиб нафрат,

Халойикдан олиш лаънат?

Мудом элдан дуо, раҳмат

Олиб юрганга етмайди.

Ахир одамга дунёда

Ғам – оғу, завқ эса – бода,

Хаёлан ўзни маъвода

Билиб юрганга етмайди.

Башар аҳли аро халқим

Мисол илдам отиб одим,

Оқар дарё каби лим – лим

Тўлиб юрганга етмайди.

Зиё, шоири девона

Эсангда ўзни шоҳона  
Тутиб, эл ичра афсона  
Бўлиб юрганга етмайди.

### **АФАНДИНИНГ СЕВГИСИ**

**(Шу номли туркумдан)**

Етганида афанди  
Нақ икки кам саксонга,  
Бўлибди ногоҳ банди  
Кетворган бир жононга.  
Ёниб мисоли Мажнун  
Ўнгида-ю, хобида,  
Айланибди туну-кун  
Шу Лайли атрофида.

Қиз ҳам начора  
Такдир  
Отган тайёр ўқ экан  
Афандидан бошқа бир  
Ўққа нишон йўқ экан.

Буни англаб Афанди  
Изҳор этиб арзи ҳол,  
Юрсак-, дебди, монанди  
Лайли - Мажнунлар мисол.

Қиз оҳиста чекиб оҳ  
Хўп, кўрамиз-да, -дебди  
Аввал ўқитиб никоҳ  
Сўнг юрамиз-да дебди.

Нихоят дўст ёрини  
Чорлаб ўқитгач никоҳ,  
Афанди ул қорини  
Кетказмас эмиш ногоҳ.

Дермиш:

- Бахтли бу дамни  
Бирга тотмай нетарсиз,  
Бир йўла жанозамни  
Ўиб кейин кетарсиз...

### **АФАНДИ ОЛҒАН ХОТИН**

Ёронлар, хотин зотин  
Насли ҳар хил ҳар жойда,  
Афанди олган хотин  
Туғмиш тўрт ярим ойда.

Чала десам чаламас,  
Бинойидай болакай,  
Ота бориб боҳавас  
Қувонади боладай.

Ҳамма ҳайрон,  
Ҳамма лол  
Ҳар ҳил ғийбат тўқийди.  
Афанди-чи бемалол  
Ўзича ваъз ўқийди:

-Бизнинг хотин ажойиб  
Бошқа олам - бошқача,  
Қилмиши ҳам ғаройиб  
Туғиши ҳам бошқача.

Қўш фарзанд тенг «инга-инг»  
Деб қийнашин уққан у  
Шу боис эгизакнинг  
Биттасини тукқан у...

### **БОЗОРДАГИ ҲАНГОМА**

Бозор айна қизиб турганди,  
Бир лаҳзада тарқади миш-миш.  
Эмиш бозор ичра Афанди  
Хотинини йўқотиб қўймиш.

Бозордаги радиокарнай  
Таратар ҳар лаҳза бир зорни,  
Яъни Афанди жаврар тинмай:  
– Хотинимни кўрганлар борми?

Афандимиз қолмасин деб тул  
Дўсти сўрар, хотин белгисин  
Жавоб берар Афанди нукул  
Елка қисиб: қайдам  
Ким билсин?

Дўсти эса дер тутаб  
-Иним  
Белгиларин ўйлаб кўр сал – пал  
Мисол учун менинг хотиним  
Қадди расо,  
Юз кўзи гўзал.

Афанди дер:  
– Меники – мужмал  
Нега уни излаб толайлик?..  
Дўстим!  
Ўзинг мақтаган гўзал  
Хотинингни топа қолайлик.

### **ТУШНИНГ ТАЪБИРИ**

Ётиб ўйлардан ҳоли  
Тинч урмасдан уйқуни,  
Афандининг аёли  
Туш кўраркан бир куни.

Бир кун тушда дафъатан  
Етганмиш монандига,  
Яъни хотин қайтадан  
Текканмиш Афандига.

Тонгда хурсанд  
Топиб зап  
Қитиғи бор ерини  
Хотин аста қитиқлаб  
Уйғотибди эрини.

Дебди:  
Яна янгитдан  
Хўп ёлчибман  
-Нега? - денг  
Тушда Сизга тегибман  
Суюнчидан узатинг.

Афанди дер:  
-Эй, хумпар  
Ўхшайсан-да меровга  
Хотин туши терс келар  
Тегаркансан бировга...



**АФАНДИ БИЛАН ҚОРИ**

Ногох дўстлар мозори

Ёдга тушиб олибди.

Афанди билан қори

Қабрга йўл олибди.

Қори соддадил, анди

Ҳурмат сақлаб турибди.

Олдда бизнинг Афанди

Ортда қори юрибди.

Азал ҳазилкаш банда

Кўрсатиб ўзни танти.

Қабристонга етганда

Гап бошлабди Афанди:

-О! Тангри - Ҳукмдорга

Сиз яқин, ҳа Сиз, қори

Қани, тақсир, мозорга

Кириг биздан илгари...

“ ЁШЛИК ”

Кекса Афанди сўзни  
Сўзга улар ўхшатиб:  
– Тутгум ёшлардай ўзни  
Кучим ўша – ўша деб.

Қирчиллама қирқ ёшни  
Урган чоғ  
Ҳеч толмасдим,  
Лек бир тегирмонтошни  
Сира силжитолмасдим.

Урсам ҳам саксон ёшни  
Ҳамон ёшман –  
Чолмасман.  
Исбот шу:  
Ўша тошни  
Ҳамон силжитолмасман...

**МУТТИ НАМАНҒОНИЙ-МАШҒАДИЙ**  
**“АРУЗИЙ АРЗЛАРИМ” китобидан**  
**ШОИР ВА УНИНГ ИЖОДИ ХУСУСИДА**  
**ИККИ ОҒИЗ МУЛОҒАЗА**

Янги ноёб топилма – Мутти Намангоний – Машҳадий ва унинг ўзигагина хос бўлган ғазалиёти гарчанд эски бисот бўлса – да, ундаги ажойиб жиҳатлар шеърятимиз учун том маънодаги янгиликдир. Бу ўзига хосликнинг характерли томони шундаки, унда бошқа шоирларда умуман учрамайдиган жонли тил – шева элементлари манаман, деб бўртиб туради. Ҳатто шоир ана шу томони билан ўз ижодида типик наманганлик эканини исботлаб, келгусида ўз салафлари Бобур, Машраблар сингари у ерлик, бу ерлик, деган тортишувлар келиб чиқмаслигига асос ярата олган. Бу – биринчиси, иккинчидан, у ўз тахаллусини соф Наманганча Мутти атаганидан ҳам қониқиш ҳосил қилмай. Намангоний иборасини келтирган ва яна Наманган ҳам кенг жой – да, деган фикр кўнглини ножам қилганми, охирига Машҳадий деб, яъни Наманганнинг шундоққина биқинидаги ўзи туғилган табаррук қишлоқни ҳам илова қилиб, шу даражада аниқликка эришганки, бу буюк хизмати билан у кейинчалик ўзини бошқа томоларга тортиб кетилишининг доноларча олдини олган. Шоир худди ана шу хизмати билан адабиётшунос олимлар ва бу соҳадаги жайдари тадқиқотчиларни жўялироқ ишлар билан шуғулланишларига шароит яратиб кетган. Умуман олганда, шоир ўз ғазалиёти билан санъатдаги жонли

ижро сингари шеъриятда ҳам халқчилликка ўта яқинлашган, очикроқ айтганда, шеъриятга жонли тилни олиб кирган ёки аксинча – жонли тилга шеъриятни олиб кирган. Фақат бир нарсани тусмоллаш мумкинки, ундаги юмористик руҳ бу борада элга машҳур бўлган Уста Гулматга сал тортиброк кетади. Шоир ижодидаги савод даражасидан шу нарсани англаш қийин эмаски, унинг илмга, адабий тилга унчалик дахли йўқ, яъни у ўта шеъвағўй қаламкаш. Унинг Гулматдан туб фарқли жихати ҳам ана шунда. Буни куйидаги ғазаллар исботласа ажаб эмас.

### **Биринчи рақамли ғазал**

Ишқинг ила ёнар бадан

Келутганимда,

Ишва – ла боз куйдирасан

Кетутганимда.

Куя – куя бор – э! - дея

Кетсам, ажаб, сўнг

Ахтарасан ўзгага кўз

Тутутганимда.

Ўртанаман, тўлғанаман

- Қайда эдинг, - деб-

Тонг каби бошингда, санам,

Отутганимда.

Чарақлаган Қуёш эдим

Эвоҳ! Ўшанда.

Энди нечун келдинг, ажаб

Ботутганимда?!

Мутти дегай: Севги тамом,

Энди йўқол, кет!

Олма ҳушим ўзгага шеър

Битутганимда.

**Иккинчи рақамли ғазал**

Чақирма кўп, чақирма кўп

Кетуттиман – ку,

Бақирма кўп, бақирма кўп

Кетуттиман – ку!

Кўпаймагай йўлим ҳадеб

Жавраганингга,

Гапирма кўп, гапирма кўп

Кетуттиман – ку!

Юришлари тошбақа, деб

Лоф этасанки,

Лоф урма кўп, лоф урма кўп

Кетуттиман – ку!

Дер – ку элим: Бурни қонар

Ким олдда кетса,

Шоширма кўп, шоширма кўп

Кетуттиман – ку!

Мутти дегай: Пишди кўзим,

Пешдим ўзим ҳам,

Пиширма кўп, пиширма кўп

Кетуттиман – ку!

**Учинчи рақамли ғазал**

-Кемутти,- деб айтма, гўзал,

- Келутти,- деб айт,

Мен гул эсам, сабодир ул

Елутти, - деб айт.

Қовоғим уйсам, ўша дам

Уяр қовоғин,

Кулсам, у ҳам қаҳ – қаҳ уриб

Кулутти,- деб айт.

Билмаса қадримни, кетиб

Билинтируттим,

Билутти қадримни, чунон

Билутти,- деб айт.

Ҳажрида минг куйга мени

Соларди , гоҳ – гоҳ!

Солутти минг куйга ҳамон

Солутти, - деб айт.

Хулласи, қасд этган эдим

Жонин оларға,

Жоним олиб қасдин у ҳам

Олутти, - деб айт.

Ул ишни ё бул ишни

Қилмаганди, Мутти

Қилмаганини ҳам қўшиб

Қилутти, - деб айт.

**Тўртинчи рақамли ғазал**

Совурди сочимни санам

Тутам – тутамлаб,

Оқизди кўз ёшим алам –

Ғам ила намлаб.

Севутти – дил берутти, деб

Домиға тушгач,

Қолдим азадор отадай

Бўтам – бўтамлаб.

Кетса кетар, дей десам, о!

Тўхтамас йиғи,

Кетган экан дилимга ғам –

Қайғуни ғамлаб.

Қолдим усиз пучак бодом

Мисли, нетай мен?

Пуфак эмасман – ку, мени

Бўлмаса дамлаб...

Айтинг у хунхорга бориб:

Мутти ўлутти,

Келмасанг у ўлиб кетар

Санам – санамлаб.

**Бешинчи рақамли ғазал**

Бурунгилар зўр эдилар,  
Бурунгилар,  
Бир – бирига жўр эдилар  
Бурунгилар.  
Бирга ёниб, бирга куйиб –  
Пишиб, мисол  
Ўчоқдаги кўр эдилар  
Бурунгилар.  
Балиқ тутар бўлса ваё  
Овласа ов,  
Мисли пишиқ тўр эдилар  
Бурунгилар.  
Биз каби оқи оқу,  
Оли ол эмас –  
Ранг кўру ҳол сўр эдилар  
Бурунгилар –  
Иш,- деса чап бергучи - панд  
Бергучимас,  
Бу борада ғўр эдилар  
Бурунгилар...  
Бугунгилардан еса панд,  
Мутти дегай:  
Бурунгилар зўр эдилар,  
Бурунгилар.



**Олтинчи рақамли ғазал**

Гадони подшо қилажак

Муллажиринг,

Соҳиби дунё қилажак

Муллажиринг.

Тилни узун, белни йўғон

Хорни азиз,

Оъмини мулло қилажак

Муллажиринг.

Битмай ишинг қолмас ажаб!

Аслида ҳар

Ишни зўр ижро қилажак

Муллажириинг.

Жумлага фатвони бу

Фатво элимас,

Аслида фатво қилажак

Муллажиринг.

Муттини ҳам истаса

Расо қилажак,

Истаса расво қилажак

Муллажиринг.

**Еттинчи рақамли ғазал**

Шарбати зўр, Миралининг  
Шарбати зўрдир,  
Айни ширин ғанжалининг  
Шарбати зўрдир.  
Ғанжалининг шарбати зап  
Мазза, валекин  
Ғанжалидан олвалининг  
Шарбати зўрдир.  
Миралидан ичса, қилар  
Мирвали зарда,  
Ичсанг ўшал зардалининг  
Шарбати зўрдир.  
Ёндаги шарбатга боқ, оқ  
Пардаси бордир,  
Ичсам ўшал пардалининг  
Шарбати зўрдир.  
Муттига шарбат сотиб у  
Қиз қилур ишва,  
Ишваси – ю, ишвалининг  
Шарбати зўрдир!

**Саккизинчи рақамли ғазал**

-Севдим,- десам қизлар дегай:

- Қўйсаначи,

Қўйсаначи, жонинага

Қуйсаначи.

-Ўлсам ўлиб бўлдим,- десам

Айтар кулиб:

-Бу яхшиликни яхшига

Йўйсаначи.

Севги ёмонмас асли, лек

Ҳажри ёмон,

Сўймай туриб, ўйлаб, кейин

Суйсаначи.

-Сир – сир қолар,- десам: - ишонч

Йўқ, - дер кулиб,-

Бу сирни кенг олам аро

Ёйсаначи?

Тўйгайсила жондан вале

Қизларга ҳеч

Тўймайсила, қизларга ҳам

Тўйсаначи.

Мутти дегай

Жони харидорин кўриб:

Қўйсаначи жоним керак,

Қўйсаначи.

**Тўққизинчи рақамли ғазал**

Таракқиёт олдда ҳали,

Олдда ҳали,

Бахтли ҳаёт олдда ҳали,

Олдда ҳали.

Шеърү баётингда сахв

Бор, лек асл

Шеърү баёт олдда ҳали,

Олдда ҳали,

Ранжима кўп боқиб бу кун

Бисотингга,

Катта бисот олдда ҳали,

Олдда ҳали.

Пойгада – ю улоқда эл

Бергучи тан

Учар ғирот олдда ҳали,

Олдда ҳали.

Лаззату тот бирла бу кун

Ишолмагил,

Лаззату тот олдда ҳали,

Олдда ҳали.

Мутти, бугунингни ҳаёт –

Мамот, дема

Ҳаёт – мамот олдда ҳали,

Олдда ҳали!

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ.  
АФСОНАЛАР ВОДИЙСИ  
ДОСТОН-ФАХРИЯ  
ДЕБОЧА**

Ташвишлар етарли,  
Лекин бахайр-  
Оила, фарзандлар, иш,  
Зарур бари.  
Биродар! Ғ  
Уларга дейлик-да:  
-Хайр!  
Кетдик  
“Афсоналар водийси” сари.

-Бундай жой қаерда?-демай туриб сан  
Мен давом этайин жавоб беришда:  
-Бу жой шундоққина Тошкент томондан  
Наманган шаҳрига кираверишда.

Олдиндан бир гапни айтиб қўяйин:  
Афсона туюлар ушбу сўзим ҳам:  
Селхона бўлганди ушбу жой олдин,-  
Десалар ишонмам бугун ўзим ҳам.  
Дастлаб “Афсоналар водийси” ҳақда  
Юртбоши гап очса:  
-Наҳотки!-девдик.  
Бундай афсонани, рост гап, у вақтда  
Ҳатто тушимизда кўрмаган эдик...

Ахир,  
Ким ўйлабди шу селхонада  
Қурилар бунақа маскан-шоҳона?!  
Халқнинг юртга меҳри ошмиш янада  
Ҳақиқат тусини олгач афсона!

Иккимиз олгунча озгина жилиб,  
Сен тутиб олгунча бир қадар ўзни  
Дебоча сўзимга омухта қилиб  
Наманган мадҳидан бошлайин сўзни:

### **НАМАНГАН МАДҲИ**

Яратганнинг куч-мадорига  
Тан бермаган гумроҳлар учун-  
У дунёда жаннат бориға  
Ишонмаган шаккоқлар учун

-Ҳайрат ичра қолиб ҳайрон-лол,-  
Кўзин очсин,-деб аҳли гумроҳ,  
Бўлсин,-дея жаннатга тимсол  
Наманганни яратмиш Аллоҳ.

Хизирназар Наманган чиндан  
Бу, эҳтимол, илоҳий тақдир:  
Водийга ҳам ўтилар шундан  
Поп водийнинг дарвозасидир.

Чустин аҳли мисли мавлоно  
Чустийларнинг қавмидан эрур.  
Шу боисдан ҳар бири гўё  
Қуёш мисли сочар шуъла, нур.

Тўрақўрғон аҳли тўралар  
Каби оҳанрабоси бор халқ.  
Ҳалол меҳнат билан қўр олар  
Бобурдайн подшоси бор халқ.

Ҳар гўшаси ўзга бир олам,  
Кўрсанг дилда қолмайди қайғу,  
Косонсойин бир кўрган одам,  
Ялтани ҳеч қилмайди орзу.

Тошбулоқнинг асл, мазмунан  
Тошданлиги номидан маълум.  
Чиндан аҳли Наманган туман  
Боши тошдан, онги зич илм.

Мингбулоқнинг мингта булоғин  
Санаб етган эмас ҳеч киши.  
Ишда пишган уруғ-аймоғин  
Булоқлардан тиниқдир иши.

Ноирндарё атрофларида  
Асл ўзбек-сартлар яшайди.  
Йигит-қизин барчаларида  
Эркакча феъл-мардлар яшайди.

Мард Учқўрғон аҳли бўлишни  
Ҳар қандайин одам ҳам суяр.  
Чунки бу ерликлар ҳар ишни  
Учқўрғондан кўрсатиб қўяр.

Уйчи сўзи билмадим, асли  
Уйчи эмас, менимча Ўйчи.  
Ўй сурмас бу эл деса насли  
Дангал айтар:  
Бу гапинг қўйчи!

Наманганда, эмаски ажаб,  
Тоғ йўқлиги бироз чатоқ-да.  
Бу гап унча тўғримас, сабаб:  
Тўртта тоғ бор битта Чортоқда.

Янгиқўрғон-боғлар диёри,  
Бетимсол боғ-роғлар макони.  
Тоза ҳаво-соф нафас бори  
Худди филиали Маъвони.

Дунё кезинг такрор ва такрор,  
Бу бир шоир шарҳи, ёронлар:  
Оламда битта гул шаҳри бор,  
Бу-Наманган шаҳри, ёронлар!



Бунда ҳар бир эркак мисли тоғ,  
Гарчи мўмин-қобилдир кўпи,  
Белида бор ҳамиша белбоғ,  
Бошида бор ҳамиша дўппи.

Худо берган ҳар кун беш маҳал  
Масжидларда янграйди азон,  
Бу жой аҳли азалдан азал  
Аҳли тақво-аҳли мусулмон.

Хизирсифат мўйсафидлари,  
Лафзи билан улашади қанд,  
Гўзалликда аёлин бари  
Жаннатдаги хурларга монанд.

Бу гўшанинг чинорлари ҳам  
Боғбонига ўхшаб кетади:  
Мисоли сертакаллуф одам,  
Қучоқ очиб меҳмон кутади.

Гар олмоқчи бўлсангиз билиб  
Афсонанинг ростакамини  
Таклиф этай,  
Кўринг бир келиб,  
Наманганнинг гул байрамини.

Бунда гуллар оғзин ланг очиб,  
Қишин-ёзин яшнаб туради.

Фавворалар меҳрини сочиб  
Йўлларга сув пуркаб туради.

Иқрор бўлмас эса дилдан ким  
Ижодкорин ёнишларига,  
Бир дақиқа тутсин қулоғин  
Ҳабибасин хонишларига.

Мевасига келган ҳар одам  
Шевасига бўлгай харидор  
Бешикдаги чақалоғин ҳам  
“Инга”лаши куйвор, назмвор.

Бунда мурид, келса хонаси,  
Пирга ақл ўргатиб қўяр,  
“Ўртар”ласа, Машраб ноласи  
Ошиқларни ўртатиб қўяр.

Кўкларга учгандай сарафроз  
Бўлармиди дилдан яйрамай?  
Камолиддин чалганида соз  
Ҳатто булбул турса сайрамай?!

Бу эл пири эрур санъатни,  
Бунга дилдан тан берган озмас.  
Акмал Нур кашф этган суратни  
Тирик жон,-деб ўй сурган озмас.

Боксёр Муроджоннинг муштига  
Фил қулайди,-деса бор асос.  
Алишерин етти пуштига  
Пули етар,- деган гап ҳам рост

Бу эл ҳатто Марсда бўлмас кам-  
Ўз ошини ошаб кетади.  
Наманганлик Ойга чиқса ҳам  
Меҳнат қилиб яшаб кетади.

Ўзни кўпроқ масжид, мадраса  
Томон урар Наманганликлар.  
Жаннатга ҳам Худо хоҳласа  
Энг кўп кирар Наманганликлар!

Бурунги қутлуғ йил, дафъатан  
Биз чун кўп бахт айлади инъом.  
Юртбоши ҳам бежиз “Наманган  
Йили”,- дея бермадилар ном.

Етти ётлар нима деса дер,  
Шундай жойда яшаш чин бахт-да!  
Дўстим!  
Тингла яна бита шеър  
Айтиб берай Наманган ҳақда:

**НАМАНГАН БАДИҲАСИ**

Олмалари ой Ой

Наманганимнинг,

Ҳолвалари болга бой

Наманганимнинг.

Сўзлари ҳам олма-ю

Ҳолвасидай бол –

Шеваси нақ асалчой

Наманганимнинг.

Сувлари мисли зам – зам

Бўлгани чун ҳам

Нонлари гижда, ширмой

Наманганимнинг.

Олам эли билар гул

Шаҳри,- дейилса,

Ҳар гули рамзи чирой

Наманганимнинг.

Қизлари – Лайли, васли

Куйида Мажнун –

Толларининг қадди ёй

Наманганимнинг.

Норини раққоса – ю,

Сайҳуни - машшоқ,

Ҳофизи – хонанда сой

Наманганимнинг.

-“Алла”сини Ҳабиба

Бошласа, нетонг

Булбули солса “дод-вой”

Наманганимнинг.  
Асли бу жой Хизирнинг  
Боғи, шу боис  
Ҳар қаричи қадамжой  
Наманганимнинг..  
Тарихан Ахсикент илк  
Тахти, сеҳрли  
Тилсими бу шоҳсарой  
Наманганимнинг...  
Мулла Бозору, Машраб,  
Ибрату, Нодим  
Бойлиги - мисли буғдой  
Наманганимнинг.  
Чустийи Чуст-булбули,  
Ҳабиби ҳам зўр  
Шоири сўзлари мой  
Наманганимнинг.  
Ҳар бир улуғи тоғ, Ер  
Қаърида ётган -  
Пойида не - не Олой  
Наманганимнинг.  
Шаънини булғаган ё  
Бурчин унутган.  
Шоҳики, бўлғай гадой  
Наманганимнинг...  
Толеи қаҳқашонда  
Янги замонда  
Бошига қўнди Ҳумой

Наманганимнинг:

Янги шу хур замонда

Гуллади яшнаб

Халқи бўлиб кетди бой

Наманганимнинг!

Қодир Эгам! Ёрлақаб,

Омадин отин

Чоптир этиб учар той

Наманганимнинг!

Ишқини айлаб наво,

Васф этиб, Зиё,

Довруғин оламга ёй

Наманганимнинг!

\*\*\*\*\*

Тамойил бор аксар назмимда

Тўқ қофия тонг сўзига онг.

Бу оламда,

Менинг наздимда

Намангандан бошланади тонг.

## **НАМАНГАН ТОНГИ**

Борлиқ тун пардасин

Кўтармай ҳали,

Юздан оқ рўмолин

Очгандай хиёл

Кучоғи тўла гул

Субҳ маҳали

Гул шаҳрим

Онамдай  
Кўрсатар жамол.  
Янграр чор тарафдан  
Сўфилар “бонг”и,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Машҳур Халқ ҳофизи-  
Камолиддини  
-Эҳеҳей Наргиз!-деб  
Чорлайди гўё.  
Шунданми,  
Келинлар қувиб уйқуни,  
Тонг отмай атрофга  
Берар кўрк, оро.  
Бу-удум  
Минг-минг йил  
Вақтдан буёнги  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ҳаттоки хўрозлар  
Қичқирмай туриб,  
Тўйларга чорлайди  
Жарчи карнайлар.  
Бир жуфт-  
Бир жуфт бўлиб  
Паловни уриб,

Эл ўзин дала-ю  
Боғларга шайлар.  
Завқ берар ноғора,  
Сурнай “гижбанг”и  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ҳайқириб оқади  
Пойида Сайхун,  
Бошида улкан тоғ-  
Гўё тожи бор.  
Гуллари  
Сеҳрлаб қўйгани учун  
Бағридан тўрт фасл  
Кетолмас баҳор.  
Қумрилар куй тўқир  
Янги ва янги  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Яна бир хуш одат:  
Ҳар жума куни  
Бомдоддан сўнг  
Диллар  
Мозорга тортар.  
Дуогўй эл  
Яхши биларки шуни:  
Арвоҳлар шод юртда



Мартаба ортар.  
Ҳаттоки марҳумлар  
Шод маскан тонги,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!  
Истиклол Қуёши  
Порлаб хур ўлка  
Мисли бу гўша ҳам  
Нурларга тўлди.

Олис уч минг йиллик  
Тарих бир бўлса,  
Янги бу ҳур замон  
Даври бир бўлди.  
Лол ўлманг, айласа  
Хумори, банги,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Гул бўйли ҳаводан  
Қониб сипқориб,  
Туяркан кўкатлар  
Хуш нафасини,  
Сухбатдош жўралар  
Гузарга бориб,  
Тарқамас  
Ичмай ризқ-маставасини.  
Кўк чойдан эригай  
Кўнгиллар занги,

Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Унутиб  
Юз йиллик дарду чарчоғин,  
Мисоли  
Жаннатга тушгандай бўлар.  
Саҳарлаб ким кезса  
Наманган боғин,  
Енгиллаб  
Самога учгандай бўлар.  
Бу-Эгам Аршидан  
Жўнатган тонги,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ўйлайман:  
Қай гўлни уйқу элитар  
Ҳабиба инграниб  
“Алла” айтган пайт?!  
Ухласа ҳам  
Завқдан уйғониб кетар,  
Зулайҳо  
“Ҳай-ҳай”лаб  
Ялла айтган пайт!  
Кенг жаҳон бўйлаб  
Кенг таралган донғи,  
Наманган тонги бу,

Наманган тонги!  
Булбуллар  
Қайда кўп жўшиб  
“Чаҳ-чаҳ”лар?  
“Чаҳ-чаҳ”лар  
Қай маскан  
Бўлса гул,  
Гулзор!  
Хўш,  
Энди айтинг,  
Эй, “валах-валах”лар  
Дунёда гул шаҳри  
Яна қайда бор?!  
Ҳамоҳанг Алишер  
Файзнинг оҳанги-  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Алишер Усмонов  
Кетмай яшарди,  
Сайр этса ўз шаҳрин  
Тўрт томонини.  
Янада яшнатса  
Мулки ошарди  
Ўз ота-онасин  
Гул ошёнини!  
Бебаҳо-беҳисоб  
Мулк-махзан тонги-

Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Бобур ҳам  
Келса шод  
Сайр этар эди,  
Битарди  
Энг гўзал-  
Шоҳ ғазалини.  
Эҳтимол,  
Шу жойда яратар эди  
Тамоман бошқача  
“Тожмаҳал”ини.  
Ҳинд, руммас  
Ўзбекнинг пок,  
Теран тонги  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Сир эмас  
Қайсидир  
Машҳур кентларда  
Фаҳмил,-деб  
Тонгда ҳам  
Кам-кам ичарлар.  
Ичкилик тамоман  
Ёт бу шаҳарда  
Ичсалар ҳам гоҳ-гоҳ

Зам-зам ичарлар.  
Жанг бўлса ҳам бўлар  
Гоҳ шахмат жанги,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Муҳтарам Юртбошим  
Чоғлаб ҳар дилни,  
Ўшанда бу жойдан  
Беиз қайтмади:  
Муайян куннимас,  
Бутун бир йилни  
Наманган йили!-деб  
Бежиз айтмади.  
Эмас бир жой тонги,  
Йўқ!  
Ватан тонги!-  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ўз юксак баҳосин  
Олиши тайин  
Минг йиллар  
Мўлжалга олинган ишлар.  
Аввали Худо,  
Сўнг Юртбоши,  
Кейин  
Ёш ҳоким

Бош бўлиб  
Қилинган ишлар.  
Бу-улкан денгизга  
Бир ўзан тонги  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ҳамжиҳат бу элда  
Гап бор азалдан:  
Лайлакнинг келишмас,  
Кетишига боқ.  
Келишган Наманган  
Аҳлин дафъатан  
Сафларда басма-бас  
Кетишига боқ!  
Ҳали бу элнинг илк-  
Бошланғич онги,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Покният қавмимнинг  
Рамзидир азал  
Оқ рўмол,  
Оқ яктак,  
Оқ лайлак,  
Қатик.  
Шундайин ҳисларга  
Бўлар-да маҳтал,

Ҳатто пандемия  
Илашмас қаттиқ.  
Азал оқ фотиҳа-  
Хуш суҳан тонги,  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Одатий ишга ҳар  
Қизни, ўғилни  
Кузатар  
Дуога очилган қўллар.  
Шундан  
Хуш кайфият  
Яшнатиб дилни,  
Каъбага туташар  
Бунда бор йўллар.  
Умрга татир руҳ  
Саҳар мардонги-  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ҳотамтой тирилиб  
Шу томон юрса,  
“Наманган сити”да  
Ётиб оларди.  
Тонгда  
“Афсоналар водийси”н кўрса,  
Шу жойдан бир дача

Сотиб оларди.  
Дўстлар!  
Ҳеч жойда йўқ  
Бу чаман тонги-  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Қулоғим остида  
Шивирлар бир ун:  
Келгандай бўлар шох  
Машраб овози...  
Эртанги аланга,  
Бугунги учкун-  
Меҳрнинг нози бу,  
Бу-Меҳринози!  
Шунчаки тонг эмас,  
Фахр, шаън тонги-  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!

Ушалгай тонгдаги  
Ҳар орзу-ҳавас:  
Юксалиб бораркан  
Илму фан, ҳунар  
Вақт келиб,  
Наманган дунёни эмас,  
Дунё  
Наманганни



Келиб ўрганар!  
Оламни қамрар  
Шу  
Фикрим жаранги:  
Наманган тонги бу,  
Наманган тонги!!!

**“ АФСОНАЛАР ВОДИЙСИ”  
ДЕМАК - МЎЪЖИЗАЛАР  
МАМЛАКАТИ ҲАМ**

Мавзу бўлиб санъат,  
Шеърият  
Юраклардан ариб ташвиш,  
Ғам  
Мана,  
Етиб келдик ниҳоят  
“Афсоналар водийси”га ҳам.

Дўстим!  
Кўриб турибсан, мана,  
Бизга Худо бериб қолди-да!  
Қара!  
Ҳатто Швейцария  
Ҳеч нарсамас бунинг олдида!

Баландпарвоз гап эмас бу гап:  
Ёки эмас бу-ура-ура:  
Бу жой фақат шу жойга хос

Зап-

Мутлақ янги архитектура.

Ер юзида қозонганди от  
Етти доврўғу шаън мўъжиза.  
Бу ердаги ўттиз иншоот,  
Ҳар бири биттадан мўъжиза!  
Манов чўққи қилгудай ҳавас  
Рамзи Эйфель,-десак етади!  
Йўк!

Аксинча-

Бу Эйфельгамас,  
Эйфель бунга ўхшаб кетади!

Тепасидан, (билмасин ёғий)  
Боқмоқ гашти-тамоман ўзга:  
Унга чиқсанг, бутунлай водий  
Ташланади бир йўла кўзга.

Тўрт юз ўрин-меҳмонхонада  
Италия андозаси бу!  
Ундаги ҳар битта хонада  
Бордир олам-олам зар, инжу!

Лофмас зийнатлар зийнати шу,  
Рамзи олийларнинг олийси!  
Хуллас,  
Номи ўзи билан бу-  
Асл Афсоналар водийси!

\*\*\*\*\*

Бир юз элли вилла,  
Олти юз коттеж-  
Шоҳ қасри ҳеч эрур  
Улар ёнида.  
Ёзда шабадагоҳ,  
Қишда қайноқ печ  
Муҳайё  
Унинг ҳар хонадонида.

Ундаги кўлларнинг  
Ҳар биттасида  
Яйраса бўлади сузиб оломон.  
Айтинг, қай вақт бўлган  
Бундай нашида?  
Айтинг, қай вақт бўлган  
Бу каби даврон?!

Бахтсизлар ҳам бахтли  
Бўла олади,  
Тузалгай  
Тузалмас дил яралари.  
Чунки ҳар дард- ғамни  
Қувиб солади  
Ишласа мусиқий фавворалари.

Муҳими,  
Ўн мингта

Мўмин учун мос  
Масжид бор  
Дунёнинг ҳеч ерида йўқ.  
Виждон эркинлиги учун бу асос  
Мўминлар ибодат қилар кўнгли тўқ.

Гўзаллик куйланар  
Такрор ва такрор,  
Гарчи кўп мўъжиза кони бу дунё-  
Дунёда боғлар кўп,  
Афсона бисёр,  
Лекин “Афсоналар водийси” танҳо!

Тарихан бу шаҳар не-не катта-ю-  
Кичикни ҳайратга солмаган эди?!-  
Хизирнинг боғлари бўлса ҳамки у  
Бу қадар кўркама тус олмаган эди!!!

### **ДУНЁ КЕЗГАН БИР САЙЁҲ ЗИКРИ**

Кезиб турли-туман сарҳадда,  
Кўп жойларга бўйлаган эдим.  
Лекин, рост гап, бирон давлатда  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Умр бўйи сайр этиб олам,  
Кўрмаганим қолди жуда кам.  
Кўрдим Швейцариясин ҳам  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Жойлар турфа, жиҳозлар ҳар хил,  
Бирисидан бириси сархил,  
Бамисоли битта ансамбль  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Бокдим Эйфель минорасига,  
Чикдим Париж канорасига,  
Ҳайрат бўлган қаторасига  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Энг муҳими-табиат мавжуд,  
Табиатда жамият мавжуд.  
Беқиёс ажиб санъат мавжуд  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Оддий сойда-чуқур ичида,  
Қолмиш мажмуа нур ичида.  
Яйрар одам сурур ичида  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Жўшдим боқиб баланд осмондан,  
Жўшдим боқиб ҳув паст томондан,  
Қараб кўрдим тўрттала ёндан  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Туғилгандай бўлиб онадан,  
Чикқим келмас меҳмонхонадан,  
Ўлсам, бу руҳ чикмас танадан  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Масжиди ҳам кичик-кириммас,  
Минглаб масжид бундай пўриммас,  
Худо уйин ким қилмас ҳавас  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Гапларимга қайсидир биров,  
Эътироз ҳам билдирар дарров,  
Ким ютарга ўйнайман гаров  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Мўминлари ҳам сара-сарвар,  
Худди Каъба аҳлига ўхшар,  
Аллоҳ буюрган янглиғ яшар  
Бунақасин кўрмаган эдим.

Дилда борин этсам ифода,  
Ким тан берар, кимдир бермас тан,  
Лоф эмаски икки дунёда  
Бунақаси ҳали бўлмаган!

\*\*\*\*\*

Эй, олам аҳли,  
Эй,  
Сиз насли башар!  
Яйрасин десангиз рух,  
Тан ҳамда жон,  
Йўлланма олинг-да,  
Айлангиз сафар,  
Ҳақиқий мъжиза-Наманган томон.

Ўшанда таклифдан миннатдор бўлиб,  
Албатта, менга ҳам раҳмат айтасиз.  
Ишончим комилки,  
Завқ-шавққа тўлиб,  
Жаннатни кўргандай бўлиб қайтасиз.

Мен шунда гўёки кучгандай марра,  
Завқимни шеърларга тўкиб соламан.  
Ва Сизни,  
Эй, дўстим!  
Яна бир карра  
Наманган шаҳрида кутиб қоламан!

\*\*\*\*\*

Шоирман-да,  
Доим гапим ўнг,  
Гапни чўзсам, малол олмайсан.  
Ушбу шеърни эшитгандан сўнг  
Наманганга келмай қолмайсан:

### **НАМАНГАН ҚАСИДАСИ**

Очар Ҳар ғунча ёзу қиш  
Қабо бизнинг Наманганда,  
Шу боис энг муаттарбўй  
Ҳаво бизнинг Наманганда.

Муҳаббат қўзғаб онгларда  
Ажаб сирли оҳангларда,

Чунон дил яйратар боди  
Сабо бизнинг Наманганда.

Чаманда кумри, булбуллар  
Жўшар нағма қилиб ваҳ-ваҳ,  
Сабо бирла келар дилбар  
Наво бизнинг Наманганда.

Бошида пурвиқор тоғлар  
Пойида яшнаган боғлар,  
Нахуш дилларни ардоқлар  
Сафо бизнинг Наманганда.

Ғазал бобида шоҳ Машраб,  
Ҳабиб Саъдуллалар насли  
Абад назми била бергай  
Садо бизнинг Наманганда.

Нечун аҳли аёли хур,  
Малаклардан қолишсинлар,  
Этиб турса париларни  
Бино бизнинг Наманганда.

Гўзал офтобжамолларга  
Эса оппоқ рўмол зийнат,  
Безакдир иффату шарму  
Ҳаё бизнинг Наманганда.



Қиз олсангиз олинг шундан

Адашманг, совчилар, хай- хай

Асл тоза палак - аҳли.

Вафо бизнинг Наманганда.

Ҳамиша қўллари кўксин

Қучиб тургай тавозеъ-ла,

Қари - ёшда ажаб таъзим

Бажо бизнинг Наманганда.

Келинг, дўстлар, келинг, дўстлар!

Тутармиз Сизни бош узра,

Азиз меҳмон учун жонлар

Фидо бизнинг Наманганда.

Қаю кимса касал, келсин

Нанай, Чортоқ, Косонсойга,

Тузалмас хасталикларга

Даво бизнинг Наманганда.

Қариб юз ёшда ҳам аҳлин

Дуто бўлмас бели шундан,

Касоддир бўлса бозори

Асо бизнинг Наманганда.

Эли тоат - ибодатда  
Қолишмас Каъба аҳлидан,  
Ватан, эл ҳаққига энг кўп  
Дуо бизнинг Наманганда.

Минода битта ҳамюрт бой  
Сўзидан бир тилак уқдим:  
У минг бор рози бўлмоққа  
Гадо бизнинг Наманганда.

Ким у динсиз - диёнатсиз,  
Ҳунарсиз, илму одобсиз,  
Анингдек кимсалар бахти  
Қаро бизнинг Наманганда.

Гўзаллик, кўрк, нафосатга  
Чунон шайдо яшар бу эл,  
Шу боис гул эрур Еру  
Само бизнинг Наманганда.

Ўзин абгор этиб ётмай,  
Гўзалларнинг қўлин ўпгай,  
Чунонам бахтлидир Ҳатто  
Ҳино бизнинг Наманганда

Агар бахт истасанг эй, ёр!  
Этай бахтим ато, келгин,

Кел, эй бошингга қўнгувчи  
Хумо бизнинг Наманганда.  
Яратган Тангрим ошёни, Зиё,  
Ҳар дилда,- дебдирлар  
Демак, ҳар дилга жо бўлган  
Худо бизнинг Наманганда!

\*\*\*\*\*

Иложи йўқ суймай бу Ерни,  
Кетолмайсиз бўлмай шайдо-ром  
Ғафур Ғулом бошлаган шеърни  
Ихлос билан эттирсам давом:  
  
Бу кўм-кўк Кўкда тинчлик  
Каптари бизнинг Намангандан,  
Гўзаллик ҳам вафонинг  
Дафтари бизнинг Намангандан.  
Қаерда икки кўкламнинг  
Сабоси бир томон елса,  
Билингким, ул эсибдир,  
Бир сари бизнинг Намангандан!  
Наманганликка бу жоймас,  
Гўзалдир икки дунё ҳам,  
Билинг, жаннатдаги аксар  
Пари бизнинг Намангандан!  
Навойдан кейин Бобуру, Машраб

Чустилар борки,  
Бу уч кўхна арузнинг  
Заргари бизнинг Намангандан.  
Булардан-да баланд мулло  
Бозор Охунд, Косонийлар  
Ки аксар маънавият ганж,  
Зари бизнинг Намангандан.  
Бу жойда на кумуш кони,  
На тилло кони бор, аммо  
Жой олгандир гўзаллик  
Меҳвари бизнинг Намангандан.  
Зиё, сендай азону, шом  
Худо,- дерким элинг тинмай,  
Бу бахтки, ҳар бало ўтгай  
Нари бизнинг Намангандан!

### **Х О Т И М А**

Ҳар қадамда мўъжиза лак-лак,  
Кўрган ҳайрон:  
Бу қандай олам?  
“Афсоналар водийси” демак-  
Мўъжизалар мамлақати ҳам.

Олдимизда ҳали кўп сафар,  
Шод юрса халқ салтанатида.  
Кўришгунча хайр,

Биродар!

Мўъжизалар мамлакатада.

Яратганга шукрона айта,

Завқим жўшиб шеърга соламан.

Дўстим!

Келсанг,

Қайта ва қайта

Наманганда кутиб оламан!

## ЧОРЛОВ ҚЎШИҒИ

Наманганга тушса йўлингиз  
“Афсоналар водийси” н кўринг.  
Нимадандир чўкса кўнглингиз,  
“Афсоналар водийси”н кўринг.

Димоғингиз чоғ бўлар шунда,  
Кўнглингиз нақ тоғ бўлар шунда,  
Умрингиз завқ-ла тўлар шунда  
“Афсоналар водийси”н кўринг.

Ғамлар сизни ташлаб кетади,  
Қувонч қўлдан ушлаб кетади,  
Самоларга бошлаб кетади  
“Афсоналар водийси”н кўринг.

Тўрт юлдузли меҳмонхоналар,  
Виллалар, гўзал жононалар,  
Фавворалар минг ўйга солар  
“Афсоналар водийси”н кўринг.

Яйраб-яшнаб ҳеч зерикмайсиз,  
Завққа бўлиб эш зерикмайсиз,  
Кирса ҳамки кеч зерикмайсиз  
“Афсоналар водийси”н кўринг.

Дўстлар! Асли бу олам гўзал,  
Олам гўзал чун одам гўзал.  
Швейцариядан ҳам гўзал-  
“Афсоналар водийси”н кўринг.

Масжидга ўн минг одам сиғар,  
Ўн минг одаммас олам сиғар,  
Гўё дунё бўлса жапм сиғар  
“Афсоналар водийси” кўринг.

Наманганга зеб-зийнат бўлган,  
Хур Ватанга зеб-зийнат бўлган,  
Кенг жаҳонга зеб-зийнат бўлган  
“Афсоналар водийси”н кўринг!

*Адабий-бадший нашр*

**Зиёвиддин МАНСУР**

# **ҒАЗНАИ НАМОНГОНИМ**

*Муҳаррир:* Носир АББОС  
*Техник муҳаррир:* Иброҳим ЮСУПОВ  
*Мусахҳих:* Дилобар ТЎРАБОЕВА

Теришга берилди 15.01.2020. Босишга рухсат этилди 02.06.2020й.  
Бичими 60x42 1/8, Ҳажми 2.25 босма табоқ.  
Адади 3000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.



**“НАМАНГАН” НАШРИЁТИ**

Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36.  
Нашриёт лицензия рақами АИ – 156  
2009 йил 14 августда берилган

**“Vodiy poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди**  
**Манзил:** *Наманган шаҳри, Ғалаба кўчаси, 19- уй*